БУТУН ДУН'Ё ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 210 (441)

22 ОКТЯБРЬ ШАНБА 1955 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

БУГУНГИ СОНДА:

Бирма Иттифоқининг бош министри У Ну Москвага келди (1-нчи бет).

Н. А. Булганин Бирма Иттифоқи бош министри У Нуни қабул қилди (1-нчи бет).

В. М. Молотов Бирма Иттифоқи бош министри У Нуни қабул қилди (1-нчи бет).

Тез, арзон ва сифатли қурайлик! (2-нчи бет).

Р. Қодиров. — Комплекс усулнинг афзаллиги (2-нчи бет).

СОВЕТ ҚУРИЛИШИ: **В. Ястребков.** — Қишлоқ Советининг депутатлари — пахта терининг ташкилотчилари (2-нчи бет).

Ҳарбир теримчи ва механик-ҳайдовчи областимизнинг байрамгача 85 процент миқдорида пахта бераолишига муносиб ҳисса қўшсин! (3-нчи бет).

Ҳ. Тўраев. — Машинанинг кучи. (3-нчи бет).

БМТ Бош Ассамблеясининг X сессияси (4-нчи бет).

Москва шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Яснов Лондонга келди (4-нчи бет).

СССР Олий Совети делегациясининг Югославияда бўлиши (4-нчи бет).

Белград озод қилинганлигининг 11 йиллиги (4-нчи бет).

Бирма ва Совет Иттифоқи халқлари дўстлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлаш учун

Совет Иттифоқига яхши ният миссияси блан келган Бирма Иттифоқи республикаси ҳукуматининг бошлиғи У Ну бугун Москвага етиб келади. Совет кишилари бизга дўст бўлган Бирма халқининг отоқли намояндасини сидқидил блан табрикламоқдалар ва бош министр У Нунинг бу келишига ҳар иккала мамлакат ҳаётидаги муҳим воқиа деб баҳо бермоқдалар. Бирма халқи ҳам бу фикр ва ҳисларга қўшилмоқда.

— Мен Совет Иттифоқига келишни кўпдан буён орзу қилар эдим, — деди У Ну Совет тупроғига қадам қўйиши блан. — Мана энди ана шу орзум рўёбга чиқди. Биз сизлар блан бирликда тинчлик учун курашамиз ва бу ишда муваффақиятга эришамиз, деб ишонч билдирамиз.

СССР ва Бирма халқлари ўртасидаги муносабатлар ҳамиша катта ўзаро ҳурматлаш ҳисларига асосланиб келди ва асосланмоқда. Совет халқи Бирма халқининг миллий мустақиллик учун ва мустамлакачилик режимини тугатиш учун мардлик блан олиб борган курашига ғоят ҳайрихоҳлик блан қаради. Бирма Республикаси барпо бўлган кундан бошлаб Совет Иттифоқи тенглик, ички ишларга аралашмаслик, ҳужум қилмаслик ва территориал бутунликка ҳамла қилишларидан воз кечиш, суверенитетни ва миллий мустақилликни ҳурматлаш асосида Бирма Республикаси блан дўстона ўзаро муносабатлар боғлади.

Бирманинг ташқи сиёсати бошқа мамлакатлар блан дўстона ҳамкорлик қилиш ва тинч тотув яшаш принципларига таянмоқда. Мана шу принциплар негизида Бирма Хитой Халқ Республикаси блан, Ҳиндистон блан, Осиё ва Африканинг кўпчилик мамлакатлари блан ўз муносабатларини амалга оширмоқда.

Совет Иттифоқи блан Бирма ўз муносабатларини муваффақиятли равишда ривожлантирмоқдалар ва мустаҳкамламоқдалар. Ҳар иккала мамлакат халқлари дўстлик ва тинч ҳамкорлик қилишни ўзларининг гуллаб-яшнамоқлари ва тинчликни мустаҳкамламоқлари учун ғаров деб билмоқдаларки, бунга ҳар иккала давлат ғоят манфаатдордирлар.

Ёш Бирма республикаси мустақил ривожланиш йўлига тушиб олгач, миллий экономикани қуриш вазифасини ўз олдига қўйиб мамлакат саноатини ривожлантиришга ўзининг куч ва ғайратини сарф-лайбошлади, мамлакат саноатини ривожлантирмасдан туриб давлатнинг мустақил бўлиб яшаши мумкин эмас. Бирма халқи тинч яшаш шароитида муваффақиятларга эришди, яқиндагина мустамлака бўйинтуруғини улоқтириб ташлаган ёш давлатнинг ўз қаддини ростлаш даврида учраши табиий бўлган қийинчиликларни Бирма халқининг енгиб ўтишига шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас.

Совет кишилари Бирма халқининг иштак ва орзуларини ва аввало унинг тинчлик тўғрисида қилаётган ғамхўрлигини яхши тушунадилар: қуриш учун, экономикани ва маданиятни юксалтирмоқ учун тинчлик даркордир. Одамлар ўзларининг эртаги кунларига амин бўлган тақдирдагина, ўзларига ва болаларига урушнинг оғир кулфатлари таҳдид солмаётган тақдирдагина бемалол яшашлари ва осойишталик блан ишлашлари мумкин.

Осиё халқларининг чинакам хавфсизлиги, шу райондаги барча давлатларнинг социал-иқтисодий тузумларидаги тафовутларидан қат'и назар, уларнинг ҳаммаси биргаликда куч ва ғайрат сарфлаши асосидагина та'минланиши мумкин. Бу жиҳатдан Совет Иттифоқи ва Бирма халқлари яқидирлар. Тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун Осиё ва Узоқ Шарқнинг ҳал этиш пайти келган проблемаларини тинч ҳал қилиш учун ва халқаро кескинликни юмшатиш учун олиб борилаётган кураш бизни бирлаштирмоқда.

Бизнинг мамлакатимизда Бирма Иттифоқининг халқаро муносабатлардаги кескинликни камайтириш мақсадида кўраётган ташқи сиёсат тадбирларига юксак баҳо бермоқдалар. Бирманинг Ҳинди-Хитойдаги урушни тўхтатиш йўлида ва Корея проблемасини тинч ҳал қилиш йўлида қилган ишлари ҳамманинг эсидадир. Бирма Осиё ва Африкадаги 29 мамлакатнинг Бандунг конференциясини чақириш ташаббусчиларидан ва бу конференциянинг актив қатнашчиларидан бири бўлди. Бандунг конференцияси Осиё ва Африка давлатлари ўртасида кенг ҳамкорликни ривожлантириш ишида муҳим роль ўйнади. Бирма бош министри У Ну, Бандунг конференцияси «бутун дун'ёда тинчлик йўлида иш қилаётган қудратли кучдир», деган ҳаққоний гапни айтган эди.

Ма'лумки, Бирма Иттифоқи ҳукумати мустамлакачи давлатларнинг Шарқи-Жанубий Осиёдаги СЕАТО деб аталган агрессив блокида қатнашишдан бош тортди. Хитой Халқ Республикаси ҳукумати Осиёда тинчликни мустаҳкамлашга интилиб, Узоқ Шарқдаги қозирги мавжуд ҳарбий блоклар ўрнини олиши мумкин бўлган коллектив тинчлик пакти тузишни таклиф қилганида Бирма жамоатчилиги ҳам бу таклифни қизғин равишда қўллаб-қувватлади. «Таймс оф Бирма» газетаси «Халқаро кескинлик юмшаганидан кейин Узоқ Шарқ проблемаларини тинч ҳал қилмоқ учун конкрет тадбирлар кўрилганида эди, бу — оқилона ва изчиллик блан қилинган иш бўлур эди» деб ёзган эди.

Осиёнинг ҳал қилиш пайти келган проблемаларини Женева ва Бандунг руҳида ҳал қилиш зарурлигини тушуниш Бирма бош министри У Нунинг Ҳиндистон бош министри Ж. Неру томонидан қилинган таклифга, я'ни Осиё ва Узоқ Шарқ проблемаларини кўриб чиқмоқ учун Женева кенгашига ўхшаш конференция чақириш тўғрисидаги таклифига ижобий муносабатда бўлганлигида ҳам ўз ифодасини топди.

Бирманинг тинчликсевар ташқи сиёсатини шу факт ҳам яққол кўрсатиб турибдики, у, Совет Иттифоқининг қурол-яроғларни камайтириш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватламоқда. Бирма ҳукумати, ялпи қирғин қуролининг ҳамма турларини тақиқлаб қўйиш зарур, деб ҳисобламоқда.

Бошқа тинчликсевар мамлакатлар блан биргаликда Бирма Иттифоқи Хитой Халқ Республикасига унинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги қонуний ўрнини қайтариб бериш учун курашмоқда ва Хитой Халқ Республикасининг талабларини қондириш фақат Узоқ Шарқдагина тинчликни мустаҳкамлашга ёрдам бериб қолмасдан, шу блан бирга, умумий тинчликни мустаҳкамлашга, халқаро кескинликни юмшатишга ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ролини ҳамда обрўйини оширишга ҳам ёрдам берган бўлур эди, деган фикрга амал қилмоқда.

Совет жамоатчилиги шу нарсани мамнуният блан қайд қилмоқдаки, халқаро кескинликни юмшатиш учун кураш олиб боришда Бирма ва Совет халқлари манфаатларининг умумийлиги Совет Иттифоқи блан Бирма ўртасида тинчлик манфаатлари йўлида қилинаётган ҳамкорликни янада ривожлантирмоқ учун замин вужудга келтирмоқда.

Тенг ҳуқуқлиликка ва ўзаро манфаатдорликка асосланган ва ўсиб бораётган ҳамкорлик, савдо-экономика соҳасидаги ҳамкорлик иккала мамлакатимиз ўртасидаги муносабатларда муҳим фактордир. Шу йил ёзда тузилган савдо битими ва Совет Иттифоқи томонидан Бирма гуручининг сотиб олиниши тўғрисидаги ва Бирманинг совет машиналарини, ускуналарини ва бошқа молларини сотиб олиши тўғрисидаги протокол мана шундай ҳамкорликни кўрсатучи янги далилдир. Бирма матбуотида қайд қилиб ўтилганидек, Бирма иқтисодий қийинчиликларни енгиш ва ўз миллий экономикасини янада ривожлантириш мақсадида капитал қурилишнинг кенг программасини амалга оширишни мўлжаллаб турган ҳозирги пайтда Бирма блан Совет Иттифоқи ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш айниқса муҳимдир.

Ҳеч шубҳасиз, мамлакатларимиз ўртасида мустаҳкамланиб бораётган маданий алоқалар катта аҳамиятга эгадир.

Бирма блан Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстона муносабатлар давлатларнинг тинч тотув яшашига қаратилган сиёсатнинг ҳаётий кучини кўрсатучи ёрқин далилдир.

Совет халқи Бирма Иттифоқи бош министри У Нуни Ватанимиз пойтахти Москвада табриклаб, Ну жаноблари ва мамлакатимизга келиши, унинг мамлакатимиз блан танишуви, совет раҳбарлари блан шахсий алоқа боғлаши умумий тинчлик манфаатлари йўлида мамлакатларимиз ўртасидаги дўстликни ва ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади, деб қаттиқ ишонч билдиради.

Хуш келибсиз, бош министр У Ну!

(«ПРАВДА»нинг 21 октябрьдаги бошмақоласи).

Бирма Иттифоқининг бош министри У Ну Москвага келди

Яхши ният визити блан Совет Иттифоқига келган Бирма Иттифоқи бош министри У Ну 21 октябрьда Тошкентдан Москвага келди.

У Нунинг СССРга келганлиги тўғрисидаги хабарни совет кишилари хурсандчилик блан кутиб олдилар. Бирма ҳукумати бошлиғининг Совет пойтахтида қизғин, самимий кутиб олинганлиги совет халқининг Бирма халқларига бўлган дўстлик ҳисларини ёрқин ифодаловчи далилдир.

Бирма Иттифоқи ва Совет Иттифоқи Давлат байроқлари блан безатилган Марказий аэродромда Москва меҳнаткашларининг жуда кўп вакиллари У. Нуни кутиб олиш учун тўпландилар. Бу ерга Н. А. Булганин, Л. М. Каганович, Г. М. Маленков, В. М. Молотов, М. Г. Первухин, М. З. Сабуров, М. А. Суслов, А. Б. Аристов, Н. И. Беляев, Д. Т. Шепилов келдилар. Кутиб олучилар орасида: РСФСР Министрлар Советининг Раиси А. М. Пузанов, СССР Госпланининг раиси Н. К. Байбаков, СССР Министрлари П. Я. Антропов, К. П. Горшенин, М. А. Евсеенко, В. Г. Жаворонков, А. Г. Зверев, В. П. Зотов, М. Д. Ковригина, Л. Р. Корниец, Ф. Г. Логинов, Н. Н. Миротворцев, Г. М. Орлов, П. И. Паршин, К. Д. Петухов, Иқтисодий алоқа ишлари бош бошкармасининг бошлиғи К. И. Коваль, Совет Иттифоқи маршали В. Д. Соколовский, армия генерали И. А. Серов, Авиация маршали С. И. Руденко, СССР Министрларининг ўринбосарлари С. А. Борисов, А. А. Громико, В. А. Зорин, С. В. Кафтанов, П. С. Кучумов, Н. Т. Федоренко, ВЦСПС секретари Н. В. Попова, Москва шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Н. И. Бобровников, СССР Министрлар Совети Раисининг Протокол бошлиғи Е. А. Тарабрин, СССР Ташқи Ишлар Министрлиги Шарқи-Жанубий Осиё бўлимининг мудири Б. М. Волков, Москва шаҳри коменданти генерал-майор И. С. Колесниковлар бор.

Бирма бош министрини Москвадаги Элчихоналарнинг ва Миссияларнинг Бошлиқлари, Бирма Иттифоқининг Хитой Халқ Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси У Хла Маунг, совет ва четэл журналистлари ҳам кутиб олдилар.

Кундуз соат учда самолётлар ерга қўнадилар. Бирма бош министри У Ну ва унинг рафиқаси До Мья И, Бирма Иттифоқининг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси У Монг Он, Бош министрнинг ҳамроҳлари — Бирма Иттифоқининг Буюк Британиядаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси У Чин, Бош министрнинг секретари У Тан, полковник Аунг Джи, шунингдек У Хла ва У Нве самолётлардан чиқадилар. У Нуни Тошкентда кутиб олган СССРнинг Бирмадаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси А. Д. Шчиборин ва СССР Ташқи Ишлар Министрлиги Протокол бўлимининг мудири Ф. Ф. Молочков ҳам Москвага келдилар.

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин У Ну блан ва унинг ҳамроҳлари блан самимий саломлашиб кўришади. Совет ҳукумати ва Коммунистик партиянинг бошқа раҳбарлари ҳам келган меҳмонлар блан дўстона қўл беришиб кўришадилар. Мактаб ўқучилари меҳмонлар олдига югуриб келиб, уларга гулдасталар тақдим қиладилар.

Н. А. Булганин блан У Ну саф торгиб турган фахрий қоровул олдига борадилар. Фахрий қоровул бошлиғи Бирма Бош министрига рапорт беради. Бирма Иттифоқи ва СССР Давлат гимнлари янграйди.

У Ну фахрий қоровул олдидан ўтиб, совет давлат ва жамоат арбоблари блан, дипломатик ваколатхоналарнинг Бошлиқлари блан саломлашади, сўнгра пойтахт меҳнаткашларининг вакиллари олдига боради, улар меҳмонни қарсаклар блан табриклайдилар.

Бирма Бош министри Москвага келган ҳамон микрофон олдида қуйидаги баёнотни берди:

— Мен рус ерига катта хурсандчилик блан қадам қўймоқдаман, чунки бу улуғ мамлакатни келиб кўришни кўп вақтдан бери орзу қилар эдим. Совет халқининг бораётган йўли мени кўпдан бери қизиқтирмоқда, совет халқи шу йўлдан бориб, дадиллик блан ўзининг янги дун'ёсини қурмоқда, эндиликда мен бу ғоят катта қурилишни ўз кўзим блан кўраолишимга жуда хурсандман.

Совет Иттифоқи халқлари иккинчи жаҳон уруши даврида нацистларга қарши олиб борган ўзларининг қаҳрамонона курашларида кўрсатган мислсиз мардликлари ва жуда катта фидокорликлари блан бутун дун'ёни қойил қолдирдилар. Сизлар Совет Армияси томонидан босқинчиларга қарши олиб борилган қаттиқ жангларда эришилган улуғ ғалабалар блан фахрланишга ҳақлисиз, шу сабабли мен янги жамият қуришда ҳам шундай мардлик ва шундай фидокорлик кўрсатишингизга сра шубҳа қилмайман.

Мен Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи халқларига Бирма Иттифоқи халқининг самимий саломини ва энг яхши истакларини олиб келдим. Иккала мамлакатимиз ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатмоқ учун мустаҳкам негиз солайлик.

Яшасин бутун дун'ёда тинчлик!

Бош Министр У Ну ва у блан бирга келган меҳмонлар машиналарга тушиб ўзлари учун тайинланган резиденция томон йўл оладилар. Бу машиналар бораётган йўлларнинг ҳаммасида москвалилар Бирма давлати намояндаларини табриклайдилар. Ленинград шоссеси ва Горький кўчаси устида тортиб қўйилган алвонларга Бирма ва рус тилларида: «Бош министр У Нуга салом! Хуш келибсиз!» деган сўзлар ёзилган.

— Хуш келибсиз! — совет кишилари Бирманинг отоқли давлат ва сиёсий арбобига шундай демоқдалар. Совет халқи ишонадики, У Нунинг СССРга келиши Бирма блан СССР ўртасидаги дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлаш ишига, тинчликни мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади. (ТАСС).

Н. А. БУЛГАНИН Бирма Иттифоқи бош министри У Нуни қабул қилди

1955 йил 21 октябрьда СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин Бирма Иттифоқи Бош министри У Нуни қабул қилди.

Бирма Иттифоқининг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Монг Он Бош министр У Ну блан бирга келди.

Самимий ва дўстона вазиятда ўтган суҳбатда СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари ва Ташқи ишлар министри В. М. Молотов қатнашди.

Суҳбат вақтида СССР Ташқи Ишлар министрининг ўринбосари Н. Т. Федоренко ҳамда СССРнинг Бирма Иттифоқидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси А. Д. Шчиборин ҳозир бўлдилар.

В. М. МОЛОТОВ Бирма Иттифоқи бош министри У Нуни қабул қилди

21 октябрьда СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари ва СССР Ташқи ишлар министри В. М. Молотов Бирма Иттифоқи Бош министри У Нуни қабул қилди.

Бирма Иттифоқининг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Монг Он Бош Министр У Ну блан бирга келди.

Қабул вақтида СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари Н. Т. Федоренко, СССРнинг Бирма Иттифоқидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси А. Д. Шчиборин ҳамда СССР Ташқи Ишлар Министрлигининг Шарқи-Жанубий Осиё мамлакатлари бўлими мудири Б. М. Волков ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

Бирма Иттифоқи бош министри У Ну Тошкентдан Москвага жўнаб кетди

Совет Иттифоқига яхши ният визити блан келган Бирма Иттифоқи Бош Министри У Нуни ва унинг ҳамроҳларини Ўзбекистон пойтахти йигирма биринчи октябрьда Москвага узатиб қўйди.

Вақт эрта бўлишига қарамай, Тошкент аэродромида меҳнаткашларнинг жуда кўп сонли вакиллари меҳмонларни узатиб қўйиш учун тўпланган эдилар. Бирма Иттифоқининг, СССРнинг ва Ўзбекистон ССР-нинг Давлат байроқлари аэродром устида прожекторнинг ёруғ нурлари блан ёритилган ҳолда қилпираб турибди. Узатиб чиқ-қанлар орасида СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Муҳиддинов, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси С. К. Камолов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг а'золари А. Э. Ниёзов ва Р. Е. Мельников, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг Ўринбосари ва Ташқи ишлар министри Ғ. С. Султонов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг Ўринбосарлари А. Н. Рудин ва Ё. С. Насриддинова, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг Ўринбосари В. С. Содиқова, Республика Олий Совети Президиумининг секретари Ж. И. Илҳомова, СССР Олий Советининг депутатлари О. А. Алимов, С. Н. Нуриддинов, Ўзбекистон ССР Министрлари Й. Б. Бобожонов, С. Зиёмов, М. И. Исомиддинов, Ф. К. Қўқонбоев, А. М. Қўчқоров, М. В. Муҳаммаджонов, И. В. Стрельцов, М. Шералиев, М. Й. Йўлдошев, А. Ҳўжаев, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти Т. З. Зоҳидов, чет эллар блан маданий алоқа қилучи Ўзбекистон жамияти правлениеси раисининг ўринбосари Р. А. Каримов, саноат корхоналари ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, маданият арбоблари, матбуот вакиллари бор эди.

Аэродромда тўпланганлар Бирма Иттифоқидан келган меҳмонлар пайдо бўлиши блан уларни давомли қарсаклар блан кутиб оладилар. Тантанали вазиятда уларга гулдасталар тақдим этилади. Узатучилар меҳмонлар блан дўстона қўл сиқиб кўришадилар. Оркестр Бирма Иттифоқи, Ўзбекистон ССР ва ССР Иттифоқи Давлат гимнларини ижро этади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси Н. А. Муҳиддинов меҳмонларга мурожаат қилиб, бундай дейди:

— Сиз, Бош Министр жаноблари, тинчлик учун биргаликда курашолиб боришнинг муҳимлиги тўғрисида гапирдингиз, халқларимиз ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш истагини билдирдингиз. Биз Сизнинг бу айтганларингизни табриклаймиз ва тўла равишда қўллаб-қувватлаймиз, чунки бу айтганларингиз мамлакатларимиз халқларининг туб манфаатларига ва самимий интилишларига мос бўлиб тушаётган фикрлардир.

Бугун Сиз Тошкентдан жўнаб кетмоқдасиз. Сизни оғамиз улуғ рус халқи, бошқа қардош совет республикаларининг халқлари кутиб турибдилар. Жонажон Совет мамлакатимиз бўйлаб қиладиган саёҳатингизда Сизга чин кўнгилдан муваффақиятлар тилашга ижозат берингиз. Шонли, эрксевар Бирма халқига бизнинг самимий табрикларимизни, энг яхши истакларимизни қабул қилгайсиз. Хайр, азиз дўстлар!

Бирма Иттифоқи Бош Министри У Ну микрофон олдига келиб жавоб нутқи сўзлайди.

— Ўзбекистон Республикасининг Бош Министри жаноблари, дўстлар, — дейди у. — Мен Сизнинг шаҳрингизда жуда қисқа вақт бўлдим. Мен бу ерда узоқ вақт бўлишни истар эдим, афсуски кўпроқ вақт бўлаолмадим. Лекин тез фурсатда сизнинг мамлакатингизга яна келишга ва'да беришим мумкин. Бизнинг Тошкентда бўлишимиз кўп давом қилмади. Лекин менга таскин бераётган нарса шуки, мен бу ерда кўпгина дўстлар ортдирдим. Республика Бош Министридан тортиб ишчилар ва колхозчиларгача мен бу ерда учратган кишилар менда чуқур таассурот қолдирдилар ва бу таассурот асло эсимдан чиқмайди.

Биз Ўзбекистон республикасининг вакилларини Бирма Иттифоқида хурсандлик блан кутиб олур эдик. Мамлакатимизнинг одамлари Сизнинг республикангизнинг одамлари сингари серҳимматдирлар, Сизлар мени ва йўлдошларимни қандай кутиб олган бўлсангиз, улар ҳам Сизларни шундай сидқидил блан кутиб оладилар.

Мен Сизларнинг саноатингиз блан, Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги блан танишдим. Сизларнинг тўқимачилик комбинатингизни бориб кўрдим. Рангунда тўқимачилик комбинати қуришда ёрдам кўрсатмоқ учун Сизларнинг ба'зи мутахассисларингизни мамлакатимизга келишини таклиф қилиш фикри менда туғилди. Агар шундай битимга келинса, биз мутахассисларимиз ва ишчиларимизнинг делегациясини Совет Иттифоқига юборишимиз мумкин бўлади, улар Сизларнинг корхоналарингизда ишлабчиқариш практикасини ўтар эди.

Сўзимнинг охирида Сиз азиз дўстларга бизни меҳмондўстлик блан кутиб олганлигингиз учун бутун қалбимдан яна бир марта ташаккур айтишимга ижозат берингиз. Сизларнинг меҳмондўстлигингиз бизнинг кутганимиздан ҳам ошиб тушди, ўзининг самимийлиги блан бизга жуда та'сир қилди.

Яшасин ўзбек халқи! Яшасин совет кишилари! Яшасин Совет Иттифоқи блан Бирманинг дўстлиги!

Бирма Иттифоқининг Бош Министри У Ну зина блан самолётга чиқади. Унинг рафиқаси До Мья И, полковник Аунг Жи, Бирма Иттифоқининг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси У Монг Он, Бирма Иттифоқининг Буюк Британиядаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси У Чжин ва уларнинг бошқа ҳамроҳлари самолётга ўтирадилар. СССРнинг Бирма Иттифоқидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси А. Д. Шчиборин ва СССР Ташқи ишлар министрлиги Протокол бўлимининг Мудири Ф. Ф. Молочков ҳам бош министр У Нуга ҳамроҳ бўлиб бормоқдалар.

Эрталаб соат 7 да меҳмонлар ва уларнинг ҳамроҳлари тушган самолётлар аэродромдан парвоз қилиб Москвага учиб кетди. (ЎзТАГ).

Туркман адабиёти ва сан'ати декадаси

Туркманистон адабиёти ва сан'атининг муваффақиятлари Ватанимиз пойтахти Москвада саккиз кундан бери намойиш қилинмоқда. Маданият саройларида ва клубларда, театрларда ва концерт залларида пойтахт меҳнаткашлари блан қардош халқ вакиллари ўртасида шодиёна учрашувлар бўлмоқда. Ватан, Коммунистик партия тўғрисидаги, Совет Иттифоқи халқларининг бузилмас дўстлиги тўғрисидаги ше'рлар ва қўшиқлар рус ва туркман тилларида янграмоқда.

Туркманистон прозаиклари ва шоирларининг ижодига бағишланган дискуссияда москвали ёзучилар ва адабий танқидчилардан кўп киши қатнашмоқда. Бугун туркман драматургларининг ва болалар ёзучиларининг асарларини муҳокама қилиш бошланади.

20 октябрьда туркман опера театрининг артистлари СССР Большой театри филиалининг сахнасида П. Чайковскийнинг «Евгений Онегин» спектаклини иккинчи марта кўрсатдилар. Рус классик операсининг энг яхши асарларидан бири бўлган бу операни сахнага қўйиш театр учун ижодий етуклик имтиҳони бўлди, коллектив маҳоратининг қай даражада ошганлигини кўрсатди.

И. В. Сталин номидаги туркман драма театри томонидан В. Шекспирнинг сахнага қўйилган «Отелло» трагедияси туркман сан'ат усталари ижросида москвалиларга иккинчи марта кўрсатилди. Ижрочилар, айниқса Туркманистоннинг энг йирик актёри — СССР халқ артисти А. Қулмамедов катта муваффақият қозондилар. У, Отелло ролини ўнбеш йилдан кўпроқ вақтдан бери ижро қилмоқда.

А. С. Пушкин номидаги рус драма театрининг артистлари Г. Муҳторовнинг туркман аёл врачининг босиб ўтган шонли йўли тўғрисида ёзган «Жаҳон» пьесасини Евг. Вахтангов номидаги театр сахнасида учинчи марта кўрсатдилар. Кундуз куни бу ерда «Қувноқ меҳмон» спектакли кўрсатилди. Артистлар бу спектакльга пойтахт области Ухтомский районидаги ишчиларни ва колхозчиларни таклиф қилдилар. Спектакль бошланиши олдидан уларни Туркманистон ССР маданият министрининг ўринбосари А. Ўразов табриклади.

Шу куни туркман адабиёти ва сан'ати декадаси қатнашчиларининг бир группаси Серго Оржоникидзе номидаги Москва авиация институтининг студентлари ҳузурида меҳмон бўлди. Институт клубида туркман поэзияси, ашуласи, рақсидан иборат катта концерт берилди.

Москвалилар ҳозир пойтахт экранларида кўрсатилаётган туркман бадиий ва ҳужжатли фильмларини: «Чўпон ўғли», «Олисдаги қалиқ», «Кекса Аширнинг ҳийласи», «Каспий денгизининг шарқида», «Мурғоб водиси» фильмларини қизиқиб тамоша қилмоқдалар. (ТАСС).

Область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитетида

Область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитети пахтани йиғиб-териш ва тайёрлаш юзасидан районлар, МТС, колхоз ва совхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1955 йил 16 октябрьдан 20 октябрьгача бўлган якунини кўриб чиқдилар ва **қарор қилдилар:**

1. Область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитетининг кўчма Қизил байроғи **Сирдар'ё районига** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Каримов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Абдушохидов**, пахта заводининг директори ўртоқ **Эргашев**) берилсин. Байроқ Ўртасарой районидан олиб берилсин. Сирдар'ё райони ўтган 5 кунликда 8,42 процент пахта тайёрлаб, йиллик планни 66,62 процент миқдорида бажарган, топширилган пахтанинг сифати яхши бўлган.

2. Область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитетининг кўчма Қизил байроғи **Сирдар'ё районидаги «Малик» совхозига** (совхоз директори ўртоқ **Иброҳимов**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Шоумаров**) берилсин. Бу совхоз ўтган беш кунликда 8,45 процент пахта тайёрлаб, йиллик планни 68,37 процент миқдорида бажарган, топширилган пахтанинг сифати эса яхши бўлган.

3. Область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитетининг кўчма Қизил байроғи **Пахта машина-трактор станциясида** (директори ўртоқ **Коломейцев**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Болтаев**) қолдирилсин. Бу МТС ўтган беш кунликда машина блан пахта териш планини 38,8 процент бажарган ва терилган пахта юқори сифат блан қабул қилинган.

4. Область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитетининг кўчма Қизил байроғи **Бўка районидаги Ленин номли колхозга** (колхоз раиси ўртоқ **Каримова**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Иброҳимов**) берилсин. Байроқ Октябрь районидаги Молотов номли колхоздан олиб берилсин. Ленин номли колхозда ўтган беш кунликда 10 процент пахта тайёрланиб, йиллик план 89,9 проценти миқдорида бажарилган, топширилган пахтанинг сифати яхши бўлган.

5. **Сирдар'ё районига** кўчма Қизил байроқ бериш блан бирга, пахтани қўлда ва машинада теришда алоҳида намуна кўрсатган колхозчилар, МТС ишчиларини мукофотлаш учун 5 минг сўм пул ҳам берилсин.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1955 ЙИЛ 21 ОКТЯБРЬГАЧА БЎЛГАН

МА'ЛУМОТ

(процент ҳисобида)

Районларнинг номи	Бир кунда	мавсум бошидан	Районларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан
Оҳангарон	1,29	75,33	Оққўрғон	1,49	62,24
Ўртасарой	1,53	75,29	Янгийўл	1,25	61,76
Пискент	1,24	73,03	Гулистон	1,39	60,49
Оржоникидзе	1,39	72,69	Ўртачирчиқ	1,09	58,78
Юқоричирчиқ	1,75	70,18	Чиноз	1,24	57,66
Мирзачўл	1,55	67,42	Калинин	1,30	57,36
Сирдар'ё	1,55	66,62	Қуйичирчиқ	1,08	52,83
Октябрь	1,46	66,10	Бекобод	1,24	48,78
Верхне-волинск	1,48	64,41	Ховос	0,27	47,00
Бўка	1,49	64,15	Боёвут	0,94	43,86

ТЕЗ, АРЗОН ВА СИФАТЛИ ҚУРАЙЛИК!

Бепоён мамлакатимизнинг шаҳар ва қишлоқлари кунсайин ўсмоқда, тобора обод ва кўркам бўлмоқда. Бинокорларимиз Ватанимиз қудратини янада мустаҳкамлаш мақсадида партия ва ҳукумат томонидан берилаётган бой техникадан тўла фойдаланиб, дун'ёга данғи кетган гигант иншоотлар, янги корхоналар, уй-жойлар ва жуда кўп маданий-маиший муассасаларнинг биноларини қурмоқдалар.

Бутун мамлакатимиздаги каби областимизда ҳам кенг миқ'ёсда қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Бинокорларнинг кўпмиллионли армияси Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 38 йиллиги ва КПСС XX с'езди шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, ишлабчиқаришда янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар.

Биз қуйида бинокорлар ҳақида материаллар босаётирмиз.

Ҳамма имконият бўлса ҳам...

ЎзССР Бинокорлик саноати материаллари министрлигига қарашли грунт ишлаш кони қурилишлар учун қум, шағал, темирбетон ва бошқа маҳсулотлар ишлабчиқариш планини бажармаётир.

Директор ўртоқ Тихоновнинг а'тироф этишича, «Конда давлат плани ва буюртмаларини бажариш учун ҳамма имконият бор, фақат ишни тўғри ташкил этабилиш керак». Агар директордан «Ишни тўғри ташкил этиш кимга боғлиқ?» десангиз, даф'атан «Мен конда янгиман, келганимга ҳаммаси бўлиб 3 ой бўлди, мавжуд механизмларни тўлиқ ишга солай десам запас қисмлар етишмайди», — дейди.

Ҳақиқатда конда 15 та юк ташучи автомашина, 2 та скрепер, 4 та экскаватор ва бирнеча трактор бор. Аммо уларнинг сони шундай кўп бўлишига қарамай, бу механизмларнинг ақалли 50 процентидан ҳам фойдаланилмай келинади. Ҳозирги кунларда 4 экскаватордан фақат 2 таси ишлаб турипти. 15 та автомашинадан эса ҳар куни 6—7 таси ишлаб, булар ҳам гал-ма-галдан ремонт талаб қилиб туради. Паркда аккумулятор ва запас қисмлар етишмаслигидан 33—41 номерли юк автомашинаси сингари 2 йилдан бери жойидан қимирламай, ремонтдан чиқарилмай ётган машиналар ва механизмлар кўп.

Яқинда конга министрликдан янги экскаватор юборилди. Коллектив катта қувонч блан бу экскаваторни ишга солди. Лекин янги экскаватор ҳаммаси бўлиб 6 соат ишлаши блан унинг поршени синиб, сафлан чиқди. Ҳозир унинг мотори олинганича турибди. Бу экскаваторни ишга солишга кон ма'мурияти ҳам, министрликдаги ўртоқлар ҳам қизиқмайди. Паркда бундай айрим қисм етишмаслиги ёки бирон сабаб блан ремонти тугалланмаётган механизмлар кўп. Механик ўртоқ Путинцев: «Айрим механизмлар 3—4 соат ичида ремонтдан чиқарилиб, ишга туширилиши мумкин бўлса ҳам, запас қисмларнинг йўқлигидан улар ойлаб туриб қолади. Министрлик бўлса бизга керакси запас қисмларни планлаштириб, уни олишга мажбур этади», — дейди.

Коннинг темирбетонлар, ғиштрик блок ва зинапоялар ишлаб чиқаручи цехи бор. Цех ғиштрик қурилиш ташкилотларининг хилма-хил заказларини ҳам бажарали. Бу цех коллективи 3 минг кубометр темирбетон ҳамда блоклар ишлаб чиқариши лозим. Аммо цех бу топшириқни бажармаётир.

Бетон қуйишни осонлаштириш ва унинг таннархини арзонлаштириш мақсадида бетон қолипларини темирдан ясаш ҳақида таклиф қилинган ва бу таклифни министрлик йил бошида тасдиқлаган эди. Аммо мавсум ўтиб бораётир. Қолиплар ҳали ҳам ёғочдан ясалмоқда. Бу усулда қолин тайёрлашга кўп меҳнат сарф қилиниши туфайли унинг таннархи қимматлашмоқда. Шу йилнинг апрель ойида министрлик коллегиясида цехда лаборатория ташкил этиш ма'қулланган ва тегишли тадбирлар белгиланган эди. Бу тадбирлар ҳам тасдиқланганича қоғозда қолиб кетди. Цехда кўтарма кран бўлмаганидан, ишлаб чиқарилган блоклар ишлабчиқариш майдонини 3 ойдан бери бекордан-бекорга эгаллаб ётипти.

Кон ма'мурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари ишни КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари асосида қайта қуриши, мавжуд имконият ва ички резервлардан кенг фойдаланиши, коллектив ўртасида социалистик мусобақани янада кучайтириши лозим.

З. ШОКИРОВ.



Тошкент шаҳар қурилиш трестига қарашли 2-ичи қурилиш бошқармаси коллективи ўзининг ўнлаб ишлабчиқариш илғорлари блан фахрланади. **Суратда:** бошқарманинг бир группа илғор ишчилари (биринчи қаторда чапдан) — бетончи **В. Ганнев**, дурадгорлар бригадасининг бошлиғи **А. Климков**, бригада бошлиғи **С. Нурмуҳамедов**, сувоқчи **Т. Мусаев**, тунука ёпучи **Л. Лавров**; (иккинчи қаторда чапдан) — газоэлектрсварщик **С. Шейко**, сувоқчи **А. Козинлов**, бетончилар бригадасининг бошлиғи **Д. Султонов** ва сувоқчи **Ш. Ҳожимуродов** ўртоқлар.

В. Салов фотоси.

СУВОҚЧИ ЙИГИТ

Биз керамика заводининг ишчи-хизматчилари учун қурилаётган уй-жой биноларига етиб келганимизда қуёш тикка келиб қолган эди. 1-ичи қурилиш-монтаж бошқармасига қарашли бу участкада иш қизғин бормоқда. Ба'зилар тунука қоқиш, бировлар дераза ўрнатиш блан банд.

Нариги томонда бир гуруҳ сувоқчилар бинонинг олд томонини пардозлаш блан овора. Булар орасида ўрта бўйли, қошлари қуюқ йигит четдан қараган кишига ўзининг чаққон ҳаракати блан бошқалардан ажралиб турарди. Унинг қўлидаги андава ҳечқандай қаршиликка учрамай, цемент устидан ғишт устида юргандек силлиқ юрарди. У. ўзининг бутун диққатини деразанинг раҳини тўғри ва чиройли қилиб чиқаришга қаратган.

Қурилиш прораби Н. А. Нойкин бизни шу йигит блан таништирар экан:

— Сувоқчилар бригадасининг бошлиғи Йўлдошев,—деди.

Биз ўртоқ Йўлдошев блан суҳбатлашаётганимизда, бригада а'золаридан Вайсаломова мурожаат қилди:

— Ҳикматжон, бунисига ҳам цементни қориштириб қўяберамизми?—у, қўли блан тахтадан ясалган ваннага ўхшаш қоришма тайёрлайдиган махсус идишни кўрсатди.

— Йўқ, бу гал бироз сабр қиламиз. Аввал мана бу тайёр қоришмани ишлатиб бўлайлик. Агар қорилган цемент мўлжалланганидан кўпроқ туриб қолса, унинг суви селгиб, андава юргизиш қийинлашади.

Биз ундан қоришмани қандай қилиб тайёрлашни сўрадик.

— Ҳамма гап ана шунда,—деди у ,қўлидаги куракча блан цементни олиб кўздан кечираркан.—Агар цемент сифатли қилиб қорилса, иш сур'ати ошади. Аввал қум блан цементни обдан аралаштириб оламиз, бўлмаса, кейин қийналиб қўяди. Сўнгра сувсолиб қориштирамиз. Шундай қилинса, сувоқ бино хуснига-хуси бўлиб қўшилади.

— Цементга қанча қум аралаштирилади?

— Бир челак цементга уч челак қум, ба'зан цемент яхши бўлса тўрт челак ҳам аралаштирилади.

Шу пайт Вайсаломова енгини тирсагигача шимариб олиб, сувоқдан эндигина чиққан деворни қўлидаги ёғоч андава блан пардозламоқда эди. Ҳикматжон уни тўхтатди ва ҳозирчалик сувоқни давом эттираверши кераклигини айтди.

— Нега?—ажабланиб сўралик биз.

— Сувоқдан сўнг дарров пардоз қилиш ярамайди. Бироз қуриши керак. Бўлмаса ёрилиб кетади,—деб жавоб берди бригада бошлиғи.

Х. Йўлдошев раҳбарлигидаги сувоқчилар бригадаси Тошкентдаги 1-ичи қурилиш-монтаж бошқармасидаги илғор бригадалардан бири ҳисобланади. Ҳикматжон 1950 йилда Чирчиқ шаҳридаги ҳунар мактабини яхши баҳолар блан тамомлагач, қурилишларда ишлайбошлади. Ўз ишини севганлиги, ташаббус кўрсатиб ишлаши натижасида қисқа муддат ичида бригада бошлиғи қилиб тайинланди. У, илғорлар тажрибасини кенг қўлланиб, сменада 15-16 квадрат метргача жойни сифатли сувоқдан чиқармоқда. Шу блан бирга ўз тажрибасини ёш ишчиларга қунт блан ўргатмоқда.

Н. РИХСИЕВ,
Я. КУРБОНОВ.

МЕҲНАТКАШЛАР УЧУН

Мамлакатимизнинг деярли ҳамма шаҳар ва қишлоқларида кенг ҳажмда уй-жойлар қурилмоқда. Ишчилар, хизматчилар тобора кўпроқ янги уй-жойларга кўчиб кирмоқдалар. Коллективимиз шу йил бошланган ҳарбири 12 квартирали 4 уйни август ойида, я'ни белгиланганидан анча илгари фойдаланишга топширди. Ҳозир яна 18 ва 12 квартирали 2 уйни жадал сур'ат блан қурмоқдамиз.

Қурилишдаги бригадалар ўзаро мусобақалашиб, иш сифатини тобора яхшилаш, кундалик графикни ошириб бажариш учун курашмоқдалар. Бу соҳада ўртоқ Захаров бошлиқ монтажчилар бригадаси энг юқори кўрсаткичларни қўлга киритмоқда. Шунингдек, ўртоқ Карлец бошлиқ сувоқчилар, ўртоқ Трунин бошлиқ бўёқчилар бригадалари ҳам жадал ишлаб, яхши натижаларга эришмоқдалар.

Қурилишдаги асосий ишларнинг ҳаммаси механизмлар кучи блан бажарилмоқда. Юқори қаватларга цемент қоришмаси ва бошқа қурилиш материаллари транспортёрлар орқали етказиб берилаётир. Шунингдек, ғишт ташиш, цемент қориш ишлари ҳам механизациялаштирилган. Бинокорлар ана шу мавжуд механизмлардан унунли фойдаланиш тадбирларини кўриб, ойлик топшириқларни доимо ошириб бажараётирлар. Экскаваторчи ўртоқ А. Савельев сменада 250 кубометр ўрнига 400 кубометрга етказиб тупроқ чиқараётир.

Г. УЛЬЯНОВ,

Йўллар машинасозлиги министрлигига қарашли Тошкент қурилиш-монтаж бошқармасининг прораби.

Комплекс усулнинг афзаллиги

Р. ҚОДИРОВ,
УНР—225 Чирчиқ участкасининг комплекс бригада бошлиғи

Мен дам олиш кунлари ёш социалистик шаҳримизнинг кўчаларида сайр қилиб юришни севаман. Ана шу сайр вақтида биртекисда совлат блан саф тортиб турган хашматли биноларни кўрганимда, ичичимдан қувониб кетаман. Буларнинг ҳаммасини меҳнатсевар бинокорлар бун'ёга келтирганлар. Шаҳримиз кўркига-кўрк қўшиб турган бу биноларнинг айримларида кўп қатори меннинг ҳам ҳиссам бор.

Биз, бинокорлар, бирор бинони битказиб, фойдаланишга топширганимизда, я'ни меҳнатимизнинг самарасини кўрганимизда ўз касбимизлан ғоятда мамнун бўламиз. Чунки, биз қуриб битказаётган ва фойдаланишга топширилаётган ҳарбир бино ёш шаҳримиз хуснига-хуси қўшмоқда.

Шаҳар бинокорлари уй-жой, мактаб, клуб, туғруқхона ва бошқа шунга ўхшаш маданий-маиший муассасаларнинг биноларини тез, арзон ва сифатли қилиб қуриш учун янгидан-янги методларни ўйлаб топмоқдалар ва уларни дадиллик блан ишлабчиқаришга жорий қилмоқдалар. Натижада кўпгина қурилиш участкаларининг коллективлари бинокорлик ишларининг сур'атини тезлаштириш, унинг сифатини яхшилаб, таннархини камайтиришга юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, қурилиш ишларини тўдлан яхшилаш учун, деярли ҳамма қурилиш участкаларида битмастугаллмас резервлар бор. Ҳамма гап ана шу резервлардан усталик блан тўла ва унумли фойдаланишда қолган.

Мен бу ерда ўзим раҳбарлик қилаётган бинокорлар бригадасининг иш тажрибаси ҳақида гапирмоқчиман. Илгарилари бригада а'золари иш сур'атини тезлаштириш учун ҳарқанча ҳаракат қилсалар ҳам, кўнгилдагидек натижага эришолмас эдилар. Ба'зи вақтларда зарур қурилиш материаллари етишмаганлиги сабабли механизмлар ҳамда ишчилар бекор туриб қолар эди. Бу эса ўз навбатида иш сур'атига жуда катта салбий та'сир кўрсатарди.

Ма'лумки, бирор бинони қуриб фойдаланишга топшириш учун жуда кўп ишларни бажариш керак. Жумладан, фундаментни ҳозирлаш, ғишт териш, дурадгорлик, сувоқчилик, бўёқчилик ва бошқа жуда кўп ишларни бажариш талаб қилинали. Ана шу ишларни бажариш учун қурилиш об'ектида ўз ихтисоси бўйича хилма-хил ўнга яқин бригада ишлайди. Ҳарбир бригада қурилишдаги ма'лум бир соҳадагина ишлайди. Тажриба шуни кўрсатдики, қурилиш участкаларида меҳнатни бундай ташкил этиш иш сур'атига салбий та'сир кўрсатали. Чунки ҳарбир бригада ўзигагина тегишли ва ўзи манфаатдор бўлган ишни тезроқ бажариш, бошқа бригадаларнинг ишлари блан ҳисоблашмасликка интилади.

Участкада ишлаётган ҳарбир бригаланинг ўз плани бўлганлиги учун у тор мақсад йўлида ишлайди. Бу эса бошқа бригадаларнинг унумли ишлашига тўсқинлик қилади. Шу сабабли участкада механизмлар ва ишчиларнинг бекор туриб қолиш ҳолисалари тез-тез содир бўлали.

Мен бригада а'золари блан биргаликда бу ҳақда жуда кўп ўйладим. Бекор туриб қолишларни минимумгача камайтириш имконини беручи бирор тадбир ишлаб чиқишга ҳаракат қилдик. Мамлакатимизнинг новатор-бинокорлари бизга бу қийинчиликдан чиқишнинг жуда тўғри йўлини кўрсатиб бердилар. Биз илгор қурилиш ташкилотларидаги сингари ўзимизда ҳам комплекс бинокорлар бригадасини ташкил этишга қарор қилдик ва уни амалга оширдик.

Қурилиш участкасида меҳнатни ташкил этишнинг бу янги формасининг ўзига хос хусусияти шундаки, унинг а'золари бирхил касб эгаларидан ташкил топган бўлмайди, балки бригада ғишт теручилар, дурадгорлар ва шунга ўхшаш бирнеча касб эгаларидан иборат бўлади. Шуни айтиш керакки, биз ластлабки пайтларда анчагина қийинчиликларга дуч келдик. Асосий қийинчилик шундан иборат эдики, бригаданинг ҳарбир а'зоси бинокорликдаги бирнеча хил касбни эгаллаб олиши керак эди. Шундай қилинганда, механизмлар ва ишчиларнинг бекор туриб қолишини тугатиш мумкин эди. Шу мақсадда биз бригадамизда техника ўқувини ташкил этдик ва унга бутун бригада а'золарини жалб этдик. Бригада а'золари қисқа муддат ичида дурадгорлик, сувоқчилик, бўёқчилик ва бинокорликка доир бошқа ҳунарларни ўрганиб олдилар.

Комплекс бригадани ташкил этишда бирмунча қийинчиликларга учраган бўлсак, ҳам. лекин кейинчалик ишларимиз жуда юришиб кетди. Меҳнатни ташкил этишнинг янги формаси ластлабки ойлаёқ ўзининг ижобий натижасини берди. Бригада а'золарининг ҳарбири кунлик топшириқни 150 процент ва ундан ҳам ошириб бажаралиган бўлдилар.

Комплекс бригаланинг афзаллиги нимада? Даставвал шуни айтиш керакки, бунда бутун қурилиш бир кишининг раҳбарлигида олиб борилади. Бригадир механизмлар ва ишчи кучларининг бекор туриб қолмаслиги учун зарур тадбирларни кўради.

Бригадада турли касб эгалари бўлганлиги ва ишчиларнинг кўпчилиги бирнеча касбни эгаллаб олганликлари меҳнат унумдорлигини кескин даражада ошириш имконини бермоқда. Агарда бирорта ғишт теручи ғишт бўлмай қолса, бекор ўтирмайди, балки сувоқчилик ёки дурадгорлик блан шуғулланади. Шунингдек, ўз навбатида дурадгорлар ва сувоқчилар ғишт теручиларга ёрдам берадилар. Бундай ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда ишлаш қурилиш сур'атини тезлаштириш, унинг сифатини яхшилаш, таннархини камайтириш имконини бермоқда.

Агар илгари қурилиш об'ектида бирнеча бригада ишлаган бўлса, ҳозир унда битта комплекс бригада ишламоқда. **Бинонинг ҳаммасини 7-8 кишидан иборат бўлган бригада ўз кучи блан бутунлай қуриб битказмоқда. Комплекс бригаданинг тузилиши меҳнатни намунали ташкил этиш, иш вақтидан тўла ва унумли фойдаланиш, қурилишни қат'ий график асосида олиб боришга имкон бермоқда. Биз меҳнатни янгича ташкил этганимиздан кейин қурилишда иш сур'ати икки баравар тезлашди. Шу блан бирга қурилиш ишларининг таннархи қарийб 30 процент арзонлашди.**

Комплекс бригаданинг афзаллиги яна шундаки, у қурилаётган об'ектнинг сифати учун бригада а'золарининг мас'улиятини оширади, шу об'ектда бажарилган ҳамма ишларнинг сифати учун шахсан бригадир жавобгардир. Бизнинг фикримизча, бошқа қурилиш ташкилотларида ҳам комплекс бригадалар ташкил этиш умум ишимизга жуда катта ёрдам беради.

Социалистик шаҳримизни янада гуллаб-яшнатиш ва обод қилиш учун ҳали жуда кўп биноларни қуришимиз керак. Биз бундан кейин ҳам қурилишларнинг таннархини арзонлаштириш, уларнинг сифатини янада яхшилаш мақсадида бригадамизда илғор иш усулини кенг қўллаш орқали хўжалик ҳисобида ишлашга ўтишни амалга оширамиз. Шубҳасиз, бу тадбир ҳам ишимизга жуда катта ёрдам беради.

СОВЕТ ҚУРИЛИШИ

Қишлоқ Советининг депутатлари—пахта теримининг ташкилотчилари

Сирдар'ё район Калинин қишлоқ Совети территориясида 1680 гектар пахта майдонига эга бўлган учта колхоз жойлашган. Бу колхозларнинг пахтакорлари механизаторлар блан ҳамкорликда мўл пахта ҳосили етиштирдилар. Ҳозир улар бутун куч ва воситаларини ана шу ҳосилни тезда йиғиб-териб олишга сафарбар этмоқдалар. Бундай муҳим ва мас'улиятли вазифани бажаришда қишлоқ Совети, унинг депутатлари ва совет атрофига уюшган активлар колхозларга ёрдам бермоқдалар.

Қишлоқ Совети ижроия комитети мажлисларида, сессияларида пахта йиғим-терими блан боғлиқ бўлган масалаларни мунтазам равишда муҳокама қилиб туради. Масалан, 10 сентябрьда бўлиб ўтган сессияда депутатлар қишлоқ хўжалик доимий комиссиясининг раиси Ольга Питюнованинг пахта теримининг борини ҳақидаги докладини тингладилар. Масалани муҳокама қилиш вақтида «XVIII партконференция» колхозида пахта йиғим-теримига чиқмаётган колхозчилар кўп эканлиги аниқланди. Бу колхозда ҳар куни 400 киши ўрнига 120 — 130 киши пахта терган, холос. 6,7 ва 8-ичи бригадаларда иссиқ овқат ташкил этилмаган. Болалар яслиси ишламай қўйган.

Депутатлар қишлоқ хўжалиги артельларининг раҳбарларини қаттиқ танқид қилдилар.

Сессия «XVIII партконференция» колхоз правлениесига амалий ёрдам бериш учун қишлоқ Советининг депутатларидан Мамонов, Ашурматов, Аляев ва Гайваронский ўртоқларни юборди. Улар барча колхозчиларнинг уйларида бўлдилар, кексалар блан суҳбатлашдилар, ҳозир пахтакорлар олдида мас'улиятли вазифа турганини уқтирдилар ва уларни пахта теримида ёрдамлашишга чақирдилар. Икки кундан кейин пахта теришга қатнашаётганларнинг сони 400 кишидан ҳам ортиб кетди. Қишлоқ Советининг депутатлари Орипова, Нигматов ва бошқалар кунлик нормаларини бирярим баравар ортиғи блан бажариб, намуна кўрсатдилар. Зарифа Файзуллаева, Мурот Абдуллаев сингари теримчилар кунлик нормаларини бажараолмас эдилар. Улар ҳозир депутатларга эргашиб, кунда 140 — 190 килограммдан пахта термоқдалар.

Қишлоқ хўжалик доимий комиссиясининг а'золари тез-тез колхозларга бориб турдилар. Улар жойларда сессия қарорининг бажарилишини текширдилар, камчиликларни очиб ташлашда ва уларни бартараф этишда колхоз правлениеларига ёрдам бердилар. «XVIII партконференция» колхозида иш анча яхшиланди.

Ижроия комитет қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишда колхозларда моддий-техника ресурсларидан тўла фойдаланилишини таминлашга алоҳида а'тибор беради. Ижроком раиси У. Қурбонов «Ҳақиқат» колхозининг энг узоқ 10-ичи бригадасида бўлди. Бригада дадасида болалар яслиси ишламас, дала шийпони жиҳозланмаган, теримчилар бўлса кўринмас эди.

— Пахта очилмаётир, шу сабабли одамларимизни бошқа бригадаларга юборишга келишдик, — деди бригада бошлиғи ўртоқ Эролов, бригададаги аҳволни оқламоқчи бўлиб.

Текшириш натижасида бригадада меҳнат ёмон ташкил этилганлиги, меҳнат интизоми бўшашиб кетганлиги аниқланди. Теримда қизлар, хотинлар кўринадилару, эркаклар йўқ.

Қишлоқ Совети ижроия комитети «Ҳақиқат» колхозидаги аҳволни муҳокама қилди. Бу масалани муҳокама қилиш вақтида худди шу хилдаги камчиликлар Ленин номидаги, «XVIII партконференция» колхозида ҳам юз бераётгани аниқланди. Ижроия комитет колхоз раисларидан ишчи кучининг тақсимланишини бошқатдан кўриб чиқишни, пахта теримига барча ишга яроқли кишиларни жалб этишни, меҳнат интизомини мустаҳкамлашни талаб этди.

Ижроия комитет шу тадбирни белгилаш блангина кифояланмади. Барча колхозларда колхозчиларнинг умумий йиғилишлари ўтказилди, унда «Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш — ҳосилни ўз вақтида териб олишнинг гарови» деган масала муҳокама қилинди. Ижроия комитет «Ҳақиқат» ва «XVIII партконференция» колхозларида депутатлар ва активлардан бригадалар тузди. Улар пахта йиғим-теримига қўшимча 300 га яқин кишини жалб этишда колхозга ёрдам бердилар.

Қишлоқ Советининг кўпгина депутатлари пахта йиғим-терининг ҳақиқий ташкилотчиси бўлмоқдалар. «Ҳақиқат» колхозида депутатлардан М. Ҳакимов, Х. Не'матов, Ш. Машарова ўртоқлар теримчилар ўртасида социалистик мусобақани тобора қизитиб юбормоқдалар, улар блан ҳархил масалалар юзасидан суҳбатлар ўтказмоқдалар, кундалик газеталарни ва журналлардан ўқиб бермоқдалар. Улар шахсан пахта теримида иштирок этиб, кунда 140 — 150 килограммдан пахта термоқдалар. Депутат Сапар Ҳолматов бошчилик қилаётган бригада а'золари меҳнат унумдорлигини оширишда ҳаммага намуна бўлмоқда. Бригада ҳозир пахта планини бажариш арафасида. турибди.

Шуни ҳам қайд этиб ўтиш зарурки, ҳали қишлоқ Советининг ишида жиддий камчиликлар бор. Айрим депутатлар ишда актив қатнашмаётирлар. Депутат Турус Измаилов сессия ва ижроия комитет мажлисларида иштирок этмайди, жамоат ишларида қатнашмайди.

Ижроия комитет қишлоқ хўжалиги юзасидан ва бошқа масалалар бўйича кўпгина яхши қарорлар қабул қилган, аммо унинг бажарилишини та'минлаш учун курашмаётир. Шу сабабдан янги ташкил этилган Ленин номидаги колхоз пахта теримида орқада қолмоқда. Сессияларда бу колхозга ёрдам бериш тўғрисида қарорлар қабул қилинди. Лекин бу тадбирнинг бажарилиши ҳақида ҳечким ўйламади. Депутатлар колхозда бўлмайдилар, ижроия комитетнинг раиси ўртоқ Қурбонов эса бригадаларда камдан-кам бўлади. Ижроия комитет Ленин номидаги колхозга ана шу тариқада қониқарсиз раҳбарлик қилаётгани ва унга амалий ёрдам кўрсатмаётгани сабабли пахта йиғим-теримида областдаги колхозлар ичида энг орқада судралиб келмоқда. Бундай ҳол район ижроия комитетини асло ташвишга солмаётир, унинг раҳбарлари эса колхозга ёрдам бериш, пахта йиғим-теримини сур'атини ошириш ҳақида қайғирмаётирлар. Бундай камчиликларга чек қўйиш, қолоқ колхозларга ёрдам бериш район ижроия комитетининг бевосита вазифасидир.

В. ЯСТРЕБКОВ.

Тошкент шаҳар ижроия комитетида

Шаҳар ижроия комитети навбатдаги мажлисида аҳолига маданий-маиший хизмат қилишни яхшилаш блан боғлиқ бўлган бирқатор масалаларни муҳокама қилди. Масалани тайёрлашда шаҳар Советининг депутатлари, доимий комиссиянинг а'золари ва совет активи қатнашдилар.

АҲОЛИГА МЕДИЦИНА ХИЗМАТИ ЯХШИЛАНСИН

Шаҳар ижроия комитети Октябрь районида медицина хизматининг қўйилиши ҳақидаги масалани кўриб чиқди. Бу соҳада бирқатор муваффақиятларга эришилгани қайд этиб ўтилди — биринчи шаҳар касалхонасида касалларни нур ва балчиқ блан шифолаш ташкил этилди, 9-ичи поликлиниканинг биноси кенгайтирилди, бу ерда рентген кабинети ва бошқа янги медицина кабинетлари ташкил этилди. Район медицина муассасаларидаги медицина ходимларининг сони ортди.

Шу блан бирга Октябрь район меҳнаткашларига медицина хизматини кўрсатиш соҳасида жиддий камчиликлар ҳам бор эканлиги қайд этиб ўтилди. Шифолаш-профилактика муассасаларининг иш сифати ва маданияти ҳали ҳам орқада қолмоқда — беморларни шифолашнинг янги методлари жуда суст жорий қилинмоқда, айрим врачлар, ўрта медицина ходимлари ўз ишларига мас'улиятсизлик блан қарамоқдалар. Район соғлиқни сақлаш бўлими энг яхши медицина муассасаларининг тажрибаларини оммалаштирмаётир, аҳолига медицина хизмати кўрсатишда юз бераётган камчиликларнинг сабабларини муҳокама қилиш юзасидан врачлар конференцияси ва кенгашлари ўтказилмаётир.

Шаҳар Советининг ижроия комитети ўз қарорида район соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири ўртоқ Юсуповга аҳоли ўртасида шифолаш-профилактика ишларига раҳбарлик қилишни яхшилашнинг зарур эканлиги алоҳида уқтирилди. Бу соҳада конкрет тадбирлар кўриш вазифаси район ижроия комитетининг раиси Шукуров ва шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири Шомирзаев ўртоқларнинг зиммаларига юклатилади.

БАЙРАМОЛДИ ВА БАЙРАМ КУНЛАРИДА ШАҲАР САВДОСИ

Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети меҳнаткашларнинг улуғ байрам — Октябрьнинг 38 йиллигини байрам қилишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш кунларида шаҳарда савдо-сотиқ ишларини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Аҳолини озиқ-овқат моллари ва саноат товарлари блан етарли миқдорда та'мин қилиш учун савдо базалари ва магазин раҳбарларининг зиммаларига жиддий вазифалар юклатилди. Шу кунларда савдо қилиш учун икки минг тоннага яқин гўшт ва гўшт маҳсулотлари, шу миқдорда қанд, минг тоннадан кўпроқ ёғ, кўп миқдорда балиқ, ҳархил консервалар, кондитер маҳсулотлари ажратилади. Шерсть, ипак газмоллар, тайёр кийим, трикотаж ва пойафзал блан савдо қилиш тобора кенгайиб бормоқда. Болаларга 100 мингдан кўпроқ совғалар сотиш учун тайёрланмоқда.

Октябрь намойишида ва байрам сайилида меҳнаткашлар ахтиёжларини қондириш мақсадида бутерброд, кондитер маҳсулотлари, ҳартурли булкалар, сомса, спиртсиз ичимликлар блан савдо қиладиган кўчма дўкон ва буфетлар ташкил этилади.

Шу кунларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўплаб келтириш ва у блан савдо қилишни ривожлантириш вазифаси шаҳар бозорлари директорларининг зиммасига юклатилди.

Ҳозир ҳамма ерда савдо дўконлари, магазинлар, умумий овқатланиш корхоналари ремонт қилинмоқда.

Байрамолди ва байрам кунларида савдо қилиш соатлари белгиланди: 4, 5 ва 6 ноябрь кунларида барча озиқ-овқат магазинлари соат 24 гача, саноат моллари магазинлари эса, соат 22 гача савдо қиладилар. 7 ноябрьда барча нон дўконлари ва навбатчи магазинлар савдо қиладилар.

Шаҳар Советининг ижроия комитети, бу масалалардан ташқари «Кузги кўкламзорлаштириш плани ва 1956 йил баҳорида гул экишга тайёргарлик ҳақида», «Шаҳар хўжалиги бўйича 1955 йилнинг 9 ойлик плани бажарилишининг якунлари» каби масалаларни ҳам муҳокама қилди. Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ҳарбир теримчи ва механик-ҳайдовчи областимизнинг байрамгача 85 процент миқдорида пахта бераолишига муносиб ҳисса қўшсин!



Ўртачирчиқ районидаги 2-нчи МТСнинг илғор механик-ҳайдовчиларидан Жуманазар Қорабоев ва Ким Алексей ўртоқлар «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Улар ҳар куни ўз агрегатлари блан 1800 — 2000 килограммдан пахта териб, колхозчилар ҳурматига сазовор бўлаётирлар. Уларнинг ҳарбири шу кунгача 25 — 26 тоннадан пахта тердилар. Суратда (чапдан-ўнгга): Ж. Қорабоев ва Ким Алексей ўртоқлар.

М. Шевелев фотоси.

МАШИНАНИНГ КУЧИ

59 МАШИНА ТУХТОВСИЗ ИШЛАМОҚДА

Пахтакор «Малик» совхози биринчи октябрьдан 10 октябрьгача ўтган ўнкунлик мобайнида йиллик планнинг қариб 25 процента миқдорида пахта тайёрлаб Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини олди. Аввалги ўнкунликларда эса область кўчма Қизил байроғи шу совхозда эди.

— Қандай қилиб октябрьнинг биринчи ўнкунлигида совхоз бирданига катта ўзгариш ясади? — деб сўрадик совхоз директори Ўртоқ Иброҳимовдан.

— Бу ҳаммани қизиқтиради, — деди директор ён чўнтагидан олган блокнотини варақлар экан, — ҳақиқатан ҳам сентябрь ойида, деярли бутун бир ой давомида 25 процент пахта тайёрладик. Тўғрисини айтиш керак, район ижроия комитети ҳузурида чиқадиган «Муштум» варақасида ҳам биздан роса кулишди. Лекин сентябрьда қўл қовуштириб ўтирганимиз йўқ эди. Пахта тердик, аммо қўл блан терган эдик. Катта пайкалларнинг пахтаси машина блан терилиши керак эди. Бирёқдан пахта топшириб турдик, иккинчиёқда эўр бериб механизмларни тайёрладик. Пухта тайёргарлик машина блан пахта теришнинг муваффақиятини ҳал этади.

Директорнинг шу сўзидан кейин бундан олдин биз блан суҳбатлашган совхоз бош инженери Николай Григорьевич Мешчеринниннг айтганларини эсладик.

— Уч йилдан бери пахтани машина блан териб келаяпмиз. Биринчи йили ҳосилнинг 45 процентини, ўтган йили эса 75 процентини машина блан териб олдик. Бу йил 85 процент ердаги пахтани машина блан териб олишга қарор қилганмиз. Совхозимизга келган кишилар хатто қўшни колхозларнинг раҳбарлари «сиз қандай қилиб мана шундай натижаларга эришаяпсиз?» — деб сўрашади. Бизнинг жавобимиз битта: машинанинг қадрига етамиз, унинг кучига ишонамиз, уни ишлатабиламиз. Бунинг ма'носи шуки, машинадан юқори унумли фойдаланмоқ учун олдиндан пухта тайёргарлик кўриш керак. Биз чигит экаётган пайтдаёқ кузги йиғим-терим ҳақида ўйлаймиз. Чигит экиладиган карталар текис, қаторлар равон ва бирхил бўлади. Сўнгра машиналарнинг ҳаммасини ўз вақтида пухта ремонтдан чиқарамиз. Бу йил 52 та машинани торқаторларда ишлашга ўз вақтида мослаштирдик. Ҳозир бу машиналар тўла қувват блан ишламоқда. Бизда машинани маҳорат блан бошқараоладиган ажойиб терим усталари етишиб чиқди. Бу йил яна шу блан фахрланаоламизки, совхозимизга юборилган 7 та СХС-1,2 маркали иккиқаторли, горизонталь-шпиндельли машинани ҳам механик ҳайдовчиларимиз усталик блан бошқармоқдалар. Бу ерда шуни айтиш керакки, гап машинадагина эмас, гап уни бошқарувчи кишиларда, механизаторлардадир. Биз машиналарни тайёрлаш блан бирга, уни ҳайдайдиган механикларнинг малакасини оширишга катта аҳамият бердик. Мақтаниш эмас, бизда ҳарбир механик-ҳайдовчи пахта териш машинасининг механизмларини, унинг «инжиқликлари»ни жуда яхши билади.

— Шундай қилиб, биз октябрьнинг биринчи ўнкунлигида ўз ихтиёримиздаги 52 та машинанинг ҳаммасини ишга туширдик. Бунинг ёнига 7 та икки қаторли горизонталь-шпиндельли машина қўшилди. Ҳозир бу машиналарнинг ҳаммаси тўла қувват блан ишламоқда. Биз ҳарбир машинанинг бир кунда камида 1800 килограмм—2 тоннагача пахта теришига эришмоқдамиз. Мана шунинг натижасида совхозимизда пахта териш ва тайёрлаш сур'ати тезлашиб кетди. Ҳар куни икки ярим процент, айрим кунларда эса 3,5 процентдан пахта тердик. Октябрьнинг ўн куни ичида тайёрлаган пахтамиз бутун сентябрь ойида топширган пахта миқдорига бараварлашди. Бизда йиғим-терим сур'атини янада кучайтириш учун катта имкониятлар бор. Шунга эришиш, пахта тайёрлаш планини Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 38 йиллиги кунигача бажариш — совхозимиздаги ҳарбир меҳнаткашнинг она-Ватан олдидаги муқаддас бурчидир.

ИЛҒОР БЎЛИМДА

Пахта устаси Отабой Қозоқов бошчилик қилаётган 3-нчи бўлимни «Яшил квадратлар бўлими» деб атайдилар. Бундан икки ой илгари келган киши бу ерда яшнаб турган квадратларни кўрар, «универсал»ларнинг ҳам кўндалангига, ҳам узунасига бориб келишидан завқланар эди. Отабойака блан мўл ҳосил ҳақида суҳбатлашиб қолсангиз, агротехниканинг янги усули ҳақида, машинанинг кучи ҳақида фахрланиб гапиради.

— Ҳам кўчатдан, ҳам ҳосилдан ютдик. Кўсакларнинг очилиши ҳам тезлашди. Бу йил ҳар гектар ердан 32 центнердан пахта топширамиз, деган аҳдимиз бор. Бу ҳосил даламизда мавжуд. Уни йиғиб-териб олиш ҳам қўлимиздан келади. Негаки, қўлимизда машина кўп!

Биз бўлим бошлиги блан бирга янги қурилган чорвачилик фермасининг биноси, сушилка олдидаги хашаматли айвон ёнидан ўтиб, катта хирмонга яқинлашдик. Кўсак чувиш машинаси гуриллаб ишламоқда. Ундан худди қўл блан саралаб териб олингандек оппоқ, лўппи пахталар тушарди.

— Биринчи сортга топширяпмиз, — дейди Отабойака ҳовичида момиқ пахтани эзиб қанорга ташларкан, — барака топкур механик-ҳайдовчиларимиз сидқидил блан ишлашяпти. Бир томони тайёргарлигимиз зўр бўлди. Ғўзанинг баргини ўз вақтида тўкдик. Ўлларни ўз вақтида тайёрладик, ўқариқларни кўмдик. Даламизда машина яйраб ишлайди.

— Отабойака, бугун рапорт берамиз, — деди тозаланган пахтани қанорга жойлаётган қорамўйловли, жингалак соч, баланд қоматлик йигит.

— Қандай қилиб? — ажабланиб сўради Отабойака, — 96 процент эди-ку, ё тош бостирдингми?

— Тош эмас, роса тарози босадиган биринчи сорт пахта. Нега десангиз, бугунги аҳдимиз 4 процент. Кеча 96 процентдан ошган эди. Демак, 100 дан ошириб юборамиз.

Бўлим бошлиги бу йигитни таништириб, илғор бригада бошлиги Одил Аҳмедов эканлигини айтди. Аҳмедов бошлиқ бригада бўлимда биринчи ўринда бориб, ҳар куни 3 процентдан кам пахта топширган эмас. Мана бугун пахта тайёрлаш планини бажарганлиги тўғрисида рапорт беришга ошиқаяпти.

— Қойилмиз, совхозда биринчи бўлиб-а?

— Менга қойил бўлманг, анави азаматларга қойил бўлинг, — деди Одил қўли блан пайкалда машина ҳайдаётган йигитни кўрсатиб. — Квадратларни ҳосил қилганлар ҳам шулар, теришни қойил қилганлар ҳам шулар...

Шу пайтда ҳаворанг машина эгат четига чиқиб бир бункердаги пахтани шолчага бўшатди-ю, оҳиста қайрилиб, иккинчи қаторга кирди.

— Боқи Ғаффоров деганимиз шу йигит, — деди Одил Аҳмедов, — машина блан пахта теришни шунга чиқарган. Машинаси бирор соат бекор турмайди десам янглишмайман. Шундай кунлар бўлдики, роса бир процент пахтамизни шу йигит териб турди. Ўтган куни 3 ярим тонна, кеча 3 тонна пахта терди. Нормаси бўлса 1400 килограмм.

Ботаётган қуёшнинг сўнгги нурлари терим машинасининг бўёқларини қизғиш тусга киритиб, дарахт шохларида ўйнар эди. Боқи Ғаффоров машинасини хирмондан юз метрча яқин жойдаги майдончага олиб чиқди. Пайтдан фойдаланиб, у блан суҳбатлашиб қолдик.

— Бугунги ишингиз тугадими? — деб сўрадик.

— Йўқ, яна ишлайман, пайт шундай.

— Бугун қанча пахта тердингиз?

— Икки тоннага яқин. Сал кечикиброқ ишга тушган эдим. Шунинг учун ҳам кечаси ишламоқчиман. Тонг отаргача эмас, соат 12 гача. Ҳозир машинани кўздан кечираман, мойлайман, пар шу'ласида эгатларни бемалол кўрса бўлади. Ҳаво яхши, шудринг йўқ. Ҳозир бироз ҳам олгач, 3 соат ишлаб, бир тоннага яқин пахта термоқчиман.

Боқижоннинг шу сўзларидан кейин «Малик» совхозининг ўтган йили шу пайтдаги ажойиб ташаббуси эсимизга тушди. Кузнинг ноқулай келганлиги, пахта ҳосилининг эса анча қисми далада ётганлигини назарда тутиб, илғор механизаторлар прожекторлар ёрдами блан кечаси ҳам пахта терган эдилар. Бу йил эса донгдор механик-ҳайдовчи Боқи Ғаффоров зўр «ҳужумга» тайёрланиб, кечаси ишлашни синаб кўрмоқчи ва бу ишни совхозда биринчи бўлиб бошлаб бермоқчи.

Ўртоқ Отабой Қозоқов бошлиқ бўлимда Боқи Ғаффоровдан ташқари Каримов, Круглиев каби машина блан пахта терин усталари ҳам бор.

— Бўлимимизда ишлаётган 24 та машина блан ҳар куни икки процентга яқин пахта териб топширмоқдамиз, — деди Ўртоқ Қозоқов, — бундан ташқари ишга яроқли ишчиларнинг ҳаммасини, уларнинг оила а'золарини қўл блан пахта теришга сафарбар этганмиз. Натижада икки ярим-уч процент пахта тайёрлаяпмиз. Йиллик планни барвақт бажариш учун курашмоқдамиз.

КЎЧМА УСТАХОНА

Анатолий Коренин совхознинг ҳамма бўлимларида яхши танийдилар. У, старший механик бўлиб ишлайди.

— Одатда кўпгина МТСларда кўчма устахонани машина бузилганда чақирадилар, — дейди Ўртоқ Корен, — бизда эса, устахонанинг иши бошқача ташкил қилинган. Тўғри, бу ўз йўли блан «тез ёрдам» машинаси. Лекин чақиргандагина эмас, чақирмаганда ҳам бўлимма-бўлим айланиб юрамиз. Вақти келганда арзимаган бир камчилик учун машина соатлаб туриб қолади. Ёки иш сифати бузилади. Пахтани машина блан теришда сур'ат ҳам, сифат ҳам катта аҳамиятга эга. Бизнинг механик-ҳайдовчиларимиз ўз ишларининг моҳир усталари. Шунга қарамай, ишга путур етказмаслик учун биз кўчма устахона блан барча агрегатларни кўздан кечириб юрамиз. Устахонамизда запас қисмлар доим бўлади. Енгил ремонтни бевосита даланинг ўзида ўтказамиз.

Биз Анатолий Корендан совхознинг илғор механизаторлари — Шакар Жўратоев, Боқи Ғаффоров, Ҳамид Каримов, Круглиев, Ёқуб Искандеров, Велуаев ва бошқа ўртоқлар терим нормасини қандай қилиб ошириб бажараётганликлари ҳақида қисқача сўзлаб беришни илтимос қилдик.

— Бизнинг механик-ҳайдовчиларимиз эрта тонгда туриб, шудринг кетгунча машинани техника қаровидан ўтказиб улгурадилар. Камерларни кўздан кечирадилар, барабан шпинделини тозалайдилар, қайишларнинг таранглигини текширадилар. Машинанинг бемалол ишлашига ишонч ҳосил қилганингдан кейингина далага чиқсанг, панд емайсан.

Машина пахтазорга киргандан кейин, дастлабки ғўза тупларини тўла қамраб олаяптими, ёки ба'зи ғўза туплари қолиб кетаяптими, буни текшириш муҳим аҳамиятга эга. Нега десангиз, ба'зи механик-ҳайдовчилар шпиндель барабанидан пахта бункерга тушиб турса бас, деб ўйлайдилар ва ишни чала қилиб қўядилар. Агар иш аппарати кўтарилиб қолган бўлса, пастдаги ғўза қолиб кетади. Машина бекор қатнаган бўлади, шпиндель яхши айланмаса ҳам ғўзалардаги кўсакларни баравар қамраб ололмайди. Қайиш таранг бўлмаса, кўсакдаги пахта тўкилиб кетади ва ҳоказолар.

ЁҒИНГАРЧИЛИКДА ҒАФЛАТДА ҚОЛМАСЛИК УЧУН

Совхоз даласидан яхши таассуротлар блан бошқармага қайтганимизда, директор кабинетига кўп киши тўпланган эди. Булар — бўлим бошлиқлари, механиклар, ишчилар комитетининг а'золари ва бошқалардан иборат. Асосий масала — сушилка хўжалигини дарҳол тахт қилиб қўйиш ҳақида гап борарди.

— Ҳозир ишимиз жуда тез кетаяпти. Ҳаво очиқ. Борди-ю ёғингарчилик бошланса, пахта тайёрлашни тўхтовсиз давом эттираоламизми?

Директорнинг ўртага ташлаган бу саволига ўтирганлардан бири жавоб берди:

— Сушилкаларимиз тайёр.

— Юргизиб юборса бўладими, тракторлар сушидка олдига олиб боридганми?

— Бу ишни бугун бажарса бўлади, — деди Ўртоқ Қозоқов,— лекин янги қурган айвоннинг устини тезроқ ёпиб олмасак, терилган пахтани ёйиб қуритадиган жойимиз етишмай қолади. Менинг таклифим шуки, эртага сушилка хўжалигини бир бошдан кўздан кечириб, камчиликларни дарров тузатиш керак. Шундай қилайликкки, ёғингарчилик бўлган тақдирда ҳам пахта тайёрлаш сур'ати бўшашмасин.

«Малик» совхозининг далаларида машиналарнинг ҳайқириғи эрта тонгдан кечгача тинмайди. Қудратли машиналар неча юзлаб теримчиларнинг қўл меҳнатини енгиллаштирмоқда, пахта тайёрлаш сур'атини тезлатишга имкон бермоқда. Совхоз коллективи пахта тайёрлаш планини узоғи блан 7 ноябрьгача бажариб, партиямиз XX с'езди шарафига она-Ватанга пландан ташқари бирнеча юз тонна пахта етказиб беришга қарор қилган.

Х. ТУРАЕВ,

Сирдар'ё районы.

Ўртоқ Р. Бердиева 12000 килограмм пахта терди

Сирдар'ё район, Орлов қишлоқ советидаги «XIX партс'езд» колхозининг чевар теримчиси ўртоқ Р. Бердиева 3 йилдан бери ўз мажбуриятини ортиғи блан бажариб, юқори кўрсаткичларга эришиб келмоқда. У, Тошкентда бўлиб ўтган илғор теримчилар ва механик-ҳайдовчиларнинг область кенгашида қатнашиб, мавсумда 12000 килограмм пахта теришга ва'да берган эди. Ана шу мақсад блан партиямиз XX с'езди шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, кунлик нормани 2—2,5 ҳиссадан ошириб адо этиб, барча колхозчиларнинг ҳурматига сазовор бўлмоқда.

Ўртоқ Р. Бердиева ўз устига олган мажбуриятини муддатидан илгари тўла бажарди. Яқинда Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиуми ўртоқ Р. Бердиеванинг меҳнатини тақдирлаб, уни Фахрий ёрлиқ блан мукофотлади. Бу мукофот ўртоқ Р. Бердиеванинг ғайратига-ғайрат, кучига-куч қўшди. У, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 38 йиллиги кунигача яна 3000 килограмм пахта теришга аҳд қилди. Чевар теримчи ўртоқ Бердиева бу қўшимча мажбуриятини шараф блан бажариш учун астойдил ишлаб, кунига 250—280 килограммгача етказиб пахта тераётир.

Т. ҲАЙДАРОВ.

Илғор теримчи

Фотима Махтиеванинг номини Верхне-волинск районидаги пахтакорлар ҳурмат блан тилга олмоқдалар. Фотима райондаги Куйбишев номли колхознинг 11-нчи бригадасида ишлайди. У пахта йиғим-терими бошланиши олдидан ўз зиммасига 20 тонна оқ олтин териш мажбуриятини олган эди. Меҳнатсевар Фотима аҳдининг устидан чиқиш мақсадида бошқаларга намуна кўрсатиб ишламоқда. Яқинда моҳир теримчига Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиғи топширилди. Фотима 9 минг килограмм пахта териб, мавсум нормасини 3 баравар ошириб бажарганлиги учун бу юксак мукофотни олиш шарафига муяссар бўлди.

Ҳозир колхозда кўпмингчилар сони кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Ю. Уббатова, Д. Афлотунова каби ўнлаб теримчилар Фотима блан мусобақалашиб, юқори кўрсаткичларга эришаётирлар.

— Мен, — дейди Фотима ўз дўстларига, — мажбуриятимни Улуғ Октябрь байрамининг 38 йиллиги кунигача бажариш учун курашаман. Бу менинг партиямиз XX с'езди шарафига муносиб совғам бўлади.

М. АГАЛИЕВ,
Р. КАРИМОВ,
Т. ҒУЛОМОВ.

Кексалар ташаббуси

Оққўрғон район Сталин номли 17-нчи совхознинг 1-нчи бўлимидаги кексалар звеноси а'золари етиштирилган мўл ҳосилни ўз вақтида йиғиб-териб давлатга топшириш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Кексалар звеносининг меҳнатсевар а'золари ўтган йили 13 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 32,5 центнердан ҳосил олиб, йиллик пахта тайёрлаш давлат планини 101,5 процентга етказиб бажарган эдилар.

Иброҳимота Акрамхонов бошчилик қилаётган звено а'золари партия ва ҳукуматимизнинг чексиз ғамхўрлигидан илҳомланган ҳолда бу йил пахта майдонларини 18,5 гектарга кенгайтириб, унинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олган эдилар.

— Бу мажбуриятимизни, — дейди звено бошлиғи Иброҳимота, — шараф блан бажарамиз, она-Ватанга пландан ташқари 10 процент миқдорида пахта топширамиз, бу бизнинг жонажон партиямиз XX с'ездига қилган совғамиз бўлади.

Ҳозир звенодаги 65—70 ёшлардан ошган Исмоилхон Акрамхонов, Ҳусанхўжа Идрисхўжаев, Абдуғаффор Маткаримов каби ҳурматли кексалар ҳар куни 55—60 килограммдан биринчи сорт пахта териб, бошқаларга намуна кўрсатаётирлар.

Меҳнатсевар кексаларнинг ватанпарварлиги, фидокорона меҳнати совхоз ишчиларига ўрнак бўлмоқда.

З. БОЛТАЕВ.

Ёшлар звеносининг катта муваффақияти

Верхне-волинск. (**«Тошкент ҳақиқати» мухбиридан**). Карл Маркс номли колхознинг ўртоқ Эралихон Сиддиқов бошлиқ комсомол-ёшлар звеноси КПСС XX с'езди шарафига бошланган социалистик мусобақани ҳартарафлама кучайтириб, йиллик пахта тайёрлаш планини муддатдан илгари, районда биринчи бўлиб бажарди. Звено янги ўзлаштирилган ва қудуқ суви блан суғориладиган ернинг ҳар гектаридан 32 центнердан пахта топширди.

Звено а'золари етиштирилган мўл ҳосилни побуд қилмай йиғиб-териб олиш блан яна гектаридан 10 центнердан пахта топшириш мажбуриятини олдилар. Шундай қилиб, звено бу йил ҳар гектаридан 42 центнердан пахта йиғиб-олади.

Пахта тайёрлаш сур'ати нима учун сусайиб кетди?

Ҳар йилгидек бу йил ҳам фидокорона меҳнат қилиб, мўл ҳосил етиштирган Оржоникидзе район колхозчилари йиғим-терим бошланган дастлабки кунларда ишга зўр уюшқоқлик блан киришдилар. Колхозларда меҳнат интизоми мустаҳкамланди, мавжуд ишчи кучлари теримга тўла сафарбар этилди, шунингдек ўзаро социалистик мусобақа кенг авж олдириб юборилди. Кўрилган ана шу тадбирлар натижасида район ҳар куни давлатга йиллик планнинг 2, ҳатто 2,5 процента миқдорида пахта топширабошлади ва тез кун ичида областимизнинг барча районларидан ўзиб кетди.

Райондаги энг йирик «Қизил Ўзбекистон», Сталин номли колхоз а'золари ҳозир ҳам пахта йиғим-теримини жадал сур'ат блан олиб бориб, юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. Улар давлатга кундан-кунга кўпроқ пахта топшириб, йиллик планни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 38 йиллиги кунигача бажариш учун курашмоқдалар.

Афсуски, кейинги кунларда райондаги кўпгина колхозлар терим сур'атини пасайтириб юбордилар. Бу колхозларнинг раҳбарлари кўлга киритилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш ўрнига мағрурланиш ва хотиржамлик кайфиятларга берилиб кетдилар. Улар бригада ва звеналар иши устидан тўғри контрольлик олиб бормадилар, талабчанликни бўшаштириб юбордилар. Натижада колхозчилар, ҳатто звено ва бригада бошлиқлари ўртасида меҳнат интизоми бузилди, прогулчилар, кунлик нормани бажармовчиларнинг сони кундан-кунга кўпаядбошлади. Бундай аҳволни райондаги «Ленинград» колхози мисолида яққол кўриш мумкин. Бу колхозда 15 октябрьда белгиланган 360 ўрнига 265 киши, 16 октябрьда эса 240 киши пахта терган ва уларнинг кўпчилиги кундалик нормани бажармаган. Колхознинг И. Абдурасулев, С. Ботиров ўртоқлар бошлиқ бригадаларида аҳвол айниқса ёмон. Бу бригадалар кейинги кунларда йиллик планнинг 1 процента миқдорида ҳам пахта топширимаётирлар. Абдурасулев бригадаси мавсум бошидан бери йиллик планнинг 47, Ботиров бригадаси эса 52 процента миқдорида пахта тайёрлаги, холос. Бунинг сабабини сўраганимизда, колхоз партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Носир Иноятов ҳамма айбни бригада бошлиқларига ағдариб, ўзини оқламоқчи бўлади:

— Бригада бошлиқлари ёмон ишлаяпти, — дейди у, — улар колхозчилар орасида камдан-кам бўладилар, прогулчиларга, нормани бажармовчиларга нисбатан ҳеч-қандай чора кўрмайдилар.

Хўш, бригада бошлиқлари-ку, ўз вазифаларига мас'улиятсизлик блан қараётган эканлар, шунинг учун ҳам терим сур'ати пасайиб кетаётган экан, колхоз правлениеси ва партия ташкилоти бу нуқсонларнинг олдини олиш учун қандай чора кўраётир?! Ҳечқандай. Чунки, колхозда меҳнат интизомининг бузилишига, бригада бошлиқларининг «ўзбошимчалик» блан иш кўришларига дастлаб колхоз раҳбарларининг ўзлари йўл қўйиб келмоқдалар.

Ўртоқ Иноятов, «йиллик планни эндигина 58 процент миқдорида бажаришимизга ишчи кучларининг етишмаётганлиги сабаб бўлмоқда, шунга қарамай бизга ёрдамчилар берилмаяпти», деб нолийди. Ваҳоланки, Ўртоқ Иноятов ёрдамчилар ҳақида эмас, балки, колхозда мавжуд бўлган ишчи кучларини теримга тўла сафарбар этиш ҳақида ўйлаши керак эди.

Райондаги Охунбобоев номли колхоз (раиси Ж. Норимов, партия ташкилотининг секретари А. Сарсенбоев ўртоқлар) мавсум бошида қўшни колхозлардан анча олдинда бориб, пахта йиғим-теримида юқори кўрсаткичларга эришган эди. Ҳозирги кунларда эса, бу колхозда ҳам хотиржамлик кайфияти ҳукм сурмоқда. Колхоз раҳбарлари давлатга йиллик планнинг 70 процента миқдорида пахта топширилганидан мағрурланиб кетдилар. «Энди маррага оз қолди, шошилмасак ҳам бўлади» деган нотўғри фикрга бердилар. Контрольлик ва қат'ий талабчанлик бўлмаганидан кейин, бригада бошлиқлари терим сур'атини бўшаштириб юбордилар, прогулчилар ва кунлик нормани бажармовчилар сони кўпайиб кетди. Колхоз партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Сарсенбоев осойишталик блан:

— 15 октябрьда 380 ўрнига 345, 16 октябрьда эса 352 киши теримга чиқди,— дейди.

Ваҳоланки, район ижроия комитетига юборилган сводкада 15 октябрьда 259, 16 октябрьда эса 251 киши теримга чиққанлиги, колганлари иккинчи даражали ишлар блан шуғулланганлиги кўрсатилган. Дам олиш куни 615 ёрдамчи блан колхоз бўйича йиллик планнинг 0,9 процента миқдорида пахта топширилган, холос. Ўртоқ Сарсенбоев «пахта очилмаяпти, шунинг учун сур'ат паст» деб, йўл қўйилаётган камчиликларни хас-пўшламоқчи бўлади. Лекин, колхозда Нафия Тўрахонова, Каромат Муродова, Нафия Сарсенбоева каби комсомол а'золарининг мавсум бошидан бери 12 — 14 тоннадан ва ҳар куни 200 — 250 килограммдан пахта терайётганлиги Ўртоқ Сарсенбоев да'воларининг нотўғри эканлигини, барча бригадаларда пахталар кийгос очилиб ётганлигини кўрсатади.

Ана шундай қатор нуқсонларни райондаги «Сталинград», Молотов номли, Хрушчев номли колхозларда ҳам учратиш мумкин. Оржоникидзе районининг кейинги кунларда орқага қараб кетаётганлигига ва биринчилар қаторидаги ўрнини Ўртасарой, Пискент районларига бўшатиб беришига терин сур'атини бўшаштириб юборган ана шу колхозлар сабабчи бўлаётирлар.

Район партия комитети ҳамда ижроия комитетининг раҳбарлари колхозларда йўл қўйилаётган ана шу хато ва камчиликларни тезда бартараф қилиш чораларини кўришлари, пахта йиғим-теримини кучайтириб, яна илғорликни эгаллаш учун курашишлари керак.

С. САЙДАЛИЕВА,
У. ЖОНГИТОВ,
С. НУ'МОНОВ.

Сушилка хўжалиги қачон тахт бўлади?

ЧИНОЗ. (**«Тошкент ҳақиқати» мухбиридан**). Сушилка хўжалиги ва унинг ҳозирги кундаги аҳволи ҳақида гап бошланганда Чиноз район колхоз қурилиши бўлимининг бошлиғи ўртоқ Пўлатхонов гапира кетди:

— Будённий номли колхозда 2 та, «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозида 5 та сушилка сифатли ремонтдан чиқарилди, — деди у, — бу колхоз раҳбарлари ёқилғини ҳам ғамлаб олдилар, энди ҳамма нарса тахт деса бўлади...

Ўртоқ Пўлатхонов район бўйича сушилка хўжалигига э'тибор бераётган шу икки колхоз ҳақида сўзлади-ю, ундан нарига ўтаолмади.

Хўш, районнинг бошқа колхозларида бу соҳа қандай аҳволда? Ҳамма колхоз раҳбарлари ҳам сушилка хўжалиги ремонтига етарли э'тибор бераяптилар дейиш мумкинми? Мутлақо йўқ.

Об-ҳавонинг ўзгариб қолиши мумкинлигига қарамай, районнинг кўпчилик колхозларида давлатга пахта тайёрлашнинг энг муҳим воситаларидан бири бўлган сушилка хўжалиги ремонтига совуққонлик блан қаралмоқда. Бунга райондаги «XIX партс'езд», Ворошилов номли, «Қизил Октябрь» колхозларида йўл қўйилаётган камчиликлар яққол мисол бўлаолади. Ворошилов номли колхозда етарли ишчи кучлари ажратилмаганлиги, қурилиш материаллари ўз вақтида келтирилмаганлиги сабабли I та газ сушилкасининг ремонти шу вақтгача тамомланмаган. Колхоз правлениеси (раиси Ўртоқ Ғ. Ахмедов) бу муҳим вазифага иккинчи даражали иш, деб қараб келмоқда. Бундай аҳволни «XIX партс'езд» колхозида ҳам учратиш мумкин. Колхоз қурилиш бригадасининг бошлиғи ўртоқ П. Холдоров.

— Раислан бир неча марта илтимос қилдим, фойдаси бўлмади, «ҳозир пахта териш керак, сушилка кейинчалик бўлаберади», деб ишчи кучи бермади. Шунинг учун газ сушилкаси ремонтини тамомлай-олмаяпмиз,—дейди.

Ҳозирги пайтда кун иссиқ, ер қуруқ, ғанимат кунларда сушилка учун зарур бўлган ёқилғини етарли равишда келтириб қўйилмаса кейинчалик қийин бўлади. Лекин, кўпчилик колхоз раҳбарлари районда етарли кўмир запаси борлигига қарамай, уни ўз вақтида ташиб олиш ва сушилкалар ёнига келтириб, тахт қилиб қўйишга мутлақо аҳамият бермаётирлар. Ўртоқ Пўлатхонов мақтаган ўша «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхози 150 ўрнига 60 тонна кўмир ташиб олди, холос. Шверник номли, «Қизил Октябрь», Маленков номли қатор колхоз раҳбарлари бу ҳақда ҳали ўйлаб ҳам кўрганлари йўқ.

Яқинда, район ташкилотлари томонидан «XIX партс'езд» колхозига юк машиналари юборилди. Колхоз раҳбарлари бу машиналар ёрдамида ўзларига тегишли кўмирни ташиб олишлари керак эди. Аммо улар бу ишга э'тиборсизлик блан қарадилар. «Бизда ҳозир ортиқча ишчи кучи йўқ» деб машиналарни қайтариб юбордилар.

Шуни ҳам айтиш керакки, колхозларда сушилка хўжалигини ўз вақтида ремонтдан чиқариб, тахт қилиб қўйишга район матлубот союзи (раиси Ўртоқ А. Нурушева) ҳам совуққонлик блан қараб келмоқда. У, колхозларни сетка, шифер ва ўтга чидамли лой блан етарли та'минлай олмаётир. Район колхозлари матлубот союзига 850 метр сетка, 3220 дона шифер, 4 печька учун ўтга чидамли лой олиш учун аллақачон заявка берган эдилар. Броқ матлубот союзи раҳбарлари район партия комитетининг бирнеча бор огоҳлантиришларига қарамай колхозларда сушилкаларга эндигина 85 метр сетка 1000 дона шифер, берди, холос. Ўтга чидамли лой печьларни қайта қуришга энг зарур материал бўлишига қарамай, бу ҳақда ҳали ўйлаб ҳам кўрилгани йўқ.

Сушилкаларни ремонтдан чиқарган айрим колхоз раҳбарлари МТС раҳбарларига ҳақли талаб қўймоқдалар. Улар:

— Вентилятор ва аппаратларни МТС механиклари кўздан кечириб чиқишлари, уларни ишлаш ёки ишламаслигини аниқлаб, мавсумга тахт қилиб қўйишлари керак эди. Лекин шу кунгача бу ишга киришилгани йўқ,—дейдилар. Чиндан ҳам агар сушилка вентиляторлари ҳамда аппаратларининг нормал ишлаши та'минланмас экан, бундай сушилкаларни ҳеч-қачон мавсумга тахт деб бўлмайди. Афсуски, МТС раҳбарлари (директори Ўртоқ Мелехов) бу талабларга панжа орасидан қараб келмоқдалар.

Район партия ва ижроия комитетининг раҳбарлари сушилка хўжалиги ремонти ва уни етарли ёқилғи блан та'минлашда йўл қўйилаётган ана шу нуқсон ва камчиликларни тезда бартараф қилиш чораларини кўришлари керак.

БМТ Бош Ассамблеясиниг X сессияси

Хавфсизлик кенгашининг муваққат а'золарини сайлаш

НЬЮ-ЙОРК, 20 октябрь. (ТАСС). Кеча куннинг иккинчи ярмида Бош Ассамблеянинг ялпи мажлиси бўлди ва Хавфсизлик Кенгашининг муваққат а'зоси бўлган ҳамда 1956 йил 1 январьда ваколати тамом бўладиган Туркия ўрнига Хавфсизлик Кенгашига бошқа муваққат а'зо сайлаш давом қилди. Бош Ассамблеянинг илгариги ялпи мажлисида икки кандидатдан, я'ни Югославия блан Филиппиндан ҳеч бири сайланиш учун зарур бўлган овозларнинг учдан икки қисмини ололмаганлиги илгари хабар бериб ўтилган эди.

Илгариги мажлис каби кечаги мажлис ҳам АҚШ вакиллари томонидан ба'зи делегацияларга ташкилий таз'йиқ ўтказилганлиги сабабли жуда қизғин тусда ўтди. Бундай таз'йиқ ўтказишдан мақсад—хавфсизлик Кенгашининг муваққат а'золари учун жойларни адолатли равишда географик жиҳатдан тақсимлаш принципига мувофиқ ва ҳаммага ма'лум бўлган 1946 йилги Лондон битими асосида Шарқий Европа мамлакатларига тегишли бўлган жойга Филиппинни Хавфсизлик Кенгашига муваққат а'зо қилиб сайлатишдан иборатдир.

Бу мажлисда ҳам АҚШ делегацияси Филиппин кандидатурасини Хавфсизлик Кенгашига қонунга хилоф равишда сайлатишга уриниб кўрди. Бу сафар Ассамблея кандидатларни уч марта овозга қўйди, лекин Югославия ҳам, Филиппин ҳам зарур бўлган кўпчилик овозни олмадилар. Овоз беришнинг биринчи ва учинчи ҳаврасида Югославия учун 27 овоз, Филиппин учун 31 овоз берилди. Иккинчи даврада Югославия 28 овоз, Филиппин 30 овоз олди.

Гарчи Хавфсизлик Кенгашига сайлаш яширин овоз бериш йўли блан ўтказилаётган бўлса ҳам, лекин шунга қарамай, Ассамблея атрофида делегатлар ва айниқса журналистлар орасида кенг тарқалган фикрга қараганда, Филиппин учун, АҚШ дан ташқари фақат Латин Америкаси мамлакатлари ҳамда Ироқ, Таиланд ва бошқа ба'зи мамлакатларгина овоз бермоқда. Хавфсизлик Кенгашига Филиппинни ўтказишга АҚШнинг қонунга хилоф равишда қилаётган уринишларига қарши бўлиб чиққан делегацияларнинг ҳаммаси Югославияни ёқлаб овоз бердилар. Кўпчиликнинг фикрига қараганда, Шарқий Европа мамлакатлари, Британия дўстлиги мамлакатларининг кўпчилиги, Европа мамлакатларининг деярли ҳаммаси, шунингдек араб ва Осиё мамлакатларининг кўпчилиги Югославияни ёқлаб овоз бердилар. Бу ерда шу нарсага а'тиборни жалб қилмоқдаларки, бу масалада Совет Иттифоқи, Англия, Европадаги ҳамма мамлакатлар, шунингдек араб ва Осиё мамлакатларининг кўпчилиги Хавфсизлик Кенгашидаги муваққат ўринларни географик жиҳатдан адолатли тақсимлаш тўғрисидаги принципларни, я'ни БМТ Уставининг принципларини ва 1946 йилги Лондон битимини бузиш йўлида АҚШ томонидан қилинаётган ва қонунга хилоф бўлган уринишларга якдиллик блан қарши бўлиб чиқмоқдалар.

АҚШ делегацияси ўзининг бевосита ўтказаётган таз'йиқи натижа бермаётганлигини кўрганидан кейин процедура найранги ишлатишга уринди. У, Хавфсизлик Кенгашига бўлаётган сайлов юзасидан овозга қўйишни ҳозирча тўхтатиб туриб, Иқтисодий ва социал кенгашда ҳамда Васийлик кенгашига сайловлар ўтказишда бўшаб қолган ўринларга а'золар сайлашга ўтишни таклиф қилди. Иқтисодий ва социал кенгаш а'золигига сайланиш учун ўз кандидатурасини қўйган давлатлар орасида Югославия ҳам бор эди. Америка матбуотининг хабар беришига қараганда ва Ассамблея мажлисининг ўзида ҳамма учун аён бўлган фикрга қараганда, АҚШ делегацияси Югославия Иқтисодий ва социал кенгаш а'золигига сайланган тақдирда, унинг Хавфсизлик Кенгаши а'золигига сайланишига халақит бериш мақсадида шундай найранг ишлатмоқда.

Норвегия делегати Энген АҚШ делегацияси томонидан киритилган таклифга қарши бўлиб гапирди. У, фақат хавфсизлик Кенгашига сайлов юзасидан овозга қўйишни кечиктириш блан кифояланмай, шу блан бирга, Иқтисодий ва социал кенгашга ҳамда Васийлик кенгашига сайловлар бўйича овозга қўйишни ҳам кейинга қолдиришни таклиф қилди. Бу таклифни СССР вакили Кузнецов, Чехословакия вакили Давид, шунингдек Англия вакили Диксон қувватлаб чиқдилар. Сальвадор, Колумбия, Ироқ ва Туркия делегатлари Америка таклифини ёқлаб гапирдилар. Сўнгра Эрон вакили орани келиштирмоқ учун, Хавфсизлик кенгашига сайлов бўйича овозга қўйиш кейинга қолдирилсин, деган таклифни алоҳида равишда ҳамда Иқтисодий ва социал кенгашга ва Васийлик кенгашига сайловлар ўтказишга дарҳол киришиш керакми, деган таклифни алоҳида равишда овозга қўйишни таклиф этди.

Хавфсизлик Кенгашига сайлов кейинга қолдирилсин, деган таклиф процедура таклифи сифатида овозга қўйилди. Ассамблея бу таклифни қабул қилди.

Броқ, Хавфсизлик Кенгашига сайлов тамом бўлишини кутмасдан Иқтисодий ва социал кенгашга ҳамда Васийлик кенгашига сайловлар ўтказишга дарҳол киришилсин деган таклиф устида дискуссия бошланиб кетди.

СССР делегациясининг бошлиги В. В. Кузнецов сўзга чиқиб, бу таклиф процедура характеридаги тахлид бўлмасдан, балки моҳият масаласи эканлигини, чунки бу таклиф Ассамблеянинг илгари қабул қилган қарорларини қайтадан кўриб чиқиш соҳасига тааллуқли эканлигини кўрсатиб ўтди. У, шу нарсага э'тиборни жалб қилдики, Бош Ассамблея комитетининг тавсиясини тасдиқлаб бўлган эди, бу тавсияда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти органларига сайловларнинг қандай навбат блан ўтказилиши лозимлиги, я'ни дастлаб Хавфсизлик Кенгашига сайлов ўтказиш, сўнгра эса Социал ва иқтисодий кенгашга сайлов ўтказиш лозимлиги, шундан кейин эса Васийлик кенгашига сайлов ўтказиш лозимлиги аниқ белгиланган эди. Шу сабабли, — деди СССР вакили, — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мазкур органларига сайловлар ўтказиш тўғрисида Бош Ассамблея тасдиқлаб қўйган тартибни ўзгартирадиган таклифни қабул қилмоқ учун овозларнинг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овоз берилиши зарур. Кузнецов буни исбот қилмоқ учун процедура қоидаларининг тегишли моддасини далил қилиб келтирди. Бу моддада, Ассамблея таклифни қабул қилганидан кейин бу таклиф сессиянинг ўзида, Ассамблеянинг овоз беришда қатнашаётган а'золаридан учдан икки қисмидан иборат кўпчилик томонидан қабул қилинган қарор асосидагина янгидан кўриб чиқилиши мумкин, деб айтилади.

Сўнгра Польша вакили Кац-Сухи сўзга чиқиб АҚШ делегациясининг таклифи ҳуқуқий жиҳатдан асоссиз эканлигини кўрсатиб ўтди, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош органларига сайлов тўғрисида Ассамблея қабул қилиб қўйган тартибни ўзгартириш ҳақидаги бу таклиф Хавфсизлик Кенгашига бўладиган сайловларнинг натижаларини олдиндан ҳал қилиб қўйиш йўлидаги уриниш эканлигини уқтириб ўтди. У яна шу нарсани ҳам кўрсатиб ўтдики, процедура қоидалари Бош Ассамблея қабул қилган қарорларни фақат учдан икки қисмдан иборат кўпчилик овоз блангина ўзгартиришга йўл қўяди.

Бош Ассамблея раиси Маса оддий кўпчилик йўли блан овозга қўйишга киришни таклиф қилди.

Бош Ассамблея атрофидаги журналистлар орасида тарқалган хабарга қараганда, Маса АҚШ делегациясининг таз'йиқи остида шундай қарорга келган чунки АҚШ делегацияси Иқтисодий ва социал кенгашга ҳамда Васийлик кенгашига сайловлар ўтказиш тўғрисидаги таклиф учун овозларнинг учдан икки қисми берилмай қолади, деб қўрққан.

Совет делегацияси процедура қоидаларига мувофиқ, раиснинг мазкур қарорига қарши норозилик билдирди. Шу сабабли, раиснинг қарори овозга қўйилди. Бу овозга қўйиш процедура қоидаларига мувофиқ оддий кўпчилик блан ўтказилди. Раиснинг қарори қабул қилинди.

Шундан сўнг, Бош Ассамблея Иқтисодий ва социал кенгашга ҳамда Васийлик кенгашига сайлов ўтказишга дарҳол киришсин, деган таклиф овозга қўйилди. Бу таклифни ёқлаб 26 овоз, унга қарши 20 овоз берилди. 13 делегация овоз беришда бетараф қолди. Бу таклифни ёқлаб АҚШ дан ташқари яна Филиппин, Покистон, Таиланд, Либерия, Ироқ, Эрон, Исландия ҳамда Латин Америкаси мамлакатларининг кўпчилиги овоз бердилар.

Бу таклифга қарши СССР, Украина ССР, Белоруссия ССР, Польша, Чехословакия, Югославия, Англия, Ҳиндистон, Бельгия, Бирма, Канада, Чили, Дания, Ҳабашистон, Исроил, Люксембург, Голландия, Янги Зеландия, Норвегия ва Швеция делегациялари овоз бердилар. Афғонистон, Австралия, Аргентина, Греция, Индонезия, Туркия, Жанубий Африка Иттифоқи, Уругвай ва араб мамлакатларининг кўпчилиги делегациялари овоз беришда бетараф қолдилар.

Шундан кейин Ассамблея Иқтисодий ва социал кенгашнинг олти а'зосини сайлашга киришди. Бу олти а'зо ваколатларининг мудлати 1955 йилнинг охирида тамом бўладиган Австралия, Ҳиндистон, Туркия, АҚШ, Венецуэла ва Югославия ўрнига сайланади. Бешта алоҳида-алоҳида яшириш овоз бериш натижасида Иқтисодий ва социал кенгашга фақат тўртта янги а'зо — АҚШ, Канада, Индонезия ва Югославия сайланди, Қолган икки ўрин учун кўрсатилган кандидатлардан ҳеч бири зарур бўлган кўпчилик овозни олмади. Шу икки ўринга сайланиш учун овозга қўйилганлар орасида Греция, Бразилия, Афғонистон ва Коста-Рика бор эди.

20 октябрьда Ассамблея Иқтисодий ва социал кенгашга, шунингдек Васийлик кенгашига ва Хавфсизлик Кенгашига сайловлар ўтказишни давом этдиради.

СССР Олий Совети делегациясининг Югославияда бўлиши

СУБОТИЦА, 20 октябрь. **(ТАСС махсус мухбири).** Бугун Олий Совет делегацияси Югославияда энг йирик ҳисобланган Бельe давлат қишлоқ хўжалигида бўлди. Делегация а'золари паррандачилик, чўчқачилик ва чорвачилик фермаларини тамоша қилдилар.

Тушки овқатдан кейин Олий Совет делегацияси Батина Скела деган жойга борди. Буерда Совет Армиясининг 1944 йил ноябрь ойида Дунай дар'ёсидан ўтган вақтдаги жангларда ҳалок бўлган жангчиларга улуғвор ҳайкал қурилган. Ҳайкалга «Қаҳрамон Қизил Армиянинг ҳалок бўлган жангчиларига Югославия халқидан 1947 йил» деб ёзилган.

Делегация бошлиғи А. П. Волков ва СССРнинг Югославиядаги элчиси Н. П. Фирюбин ҳайкал ёнига гулчамбар қўйдилар.

Кечқурун делегация Суботица (Воеводина) га келди.

Индонезияда оммавий митинг

ЖАКАРТА, 20 октябрь. (ТАСС). Семарангда (Марказий Явадаги энг катта шаҳар) оммавий митинг бўлди. Бу митинг 28 сиёсий партия ва касаба союз ташкилотларининг, шу жумладан миллий партия, ишчилар партияси, миллий халқ партияси, Коммунистик партия ва бошқа партияларнинг ташаббуси блан чақирилди. Оммавий митингда бу партияларнинг вакиллари резолюция қабул қилдилар. Бу резолюция Харахап ҳукуматининг иста'фо беришини ва «Кўпчилик халққа таянадиган» янги миллий коалицион ҳукумат тузилишини талаб қилади. Митинг қатнашчилари Марказий Ява аҳолисининг продасини ва истагини президентга ҳамда парламентга изҳор қилмоқ учун Жакартага делегация юборидилар.

Миср-Сурия пакти имзоланди

ЛОНДОН, 20 октябрь. (ТАСС). Рейтер агентлигининг муҳбири Дамашқдан хабар беради:

20 октябрьда Дамашқда Сурия блан Миср ўртасида пакт имзоланди. Пактни Сурия миллий мудофаа министри Рашид Бармада ва Мисрнинг Суриядаги элчиси Маҳмуд Риаз имзоладилар.

Пактда кўзда тутилишича икки томондан бирига қарши қилинган ҳарқандай агрессияга иккинчи томонга ҳам қарши қилинган агрессия акти деб қаралади.

Саудия Арабистони бош министрининг айтганлари

ҚОҲИРА, 20 октябрь. (ТАСС). «Ал Қоҳира» газетасининг хабарида айтилишича, Саудия Арабистонининг ҳозирги вақтда Мисрда турган бош министри ва ташқи ишлар министри амир Файсал шу газета мухбири блан суҳбатда, бошқа ҳарқандай мустақил давлат сингари Саудия Арабистони ҳам «ўз манфаатларига мувофиқ равишда» сиёсат юргизади, деб айтган.

Араб мамлакатлари Хитой Халқ Республикаси блан дипломатик муносабатлар ўрнатмоқчими ва у блан савдо алоқаларини мустаҳкамламоқчими, деган саволга Файсал: «Биз барча мамлакатлар блан ўзимизнинг муносабатларимизни мустаҳкамламоғимиз лозим» деб жавоб берган.

Саудия Арабистонининг бош министри Эроннинг Бағдод пактига қўшилиш тўғрисидаги қарорини қоралаган. «Эрон ҳукуматининг бу тадбири, — деган у,— араб мамлакатларининг позициясига та'сир қилмайди, араб мамлакатлари чет давлатлар блан тузилган ва тузиладиган пактларда қатнашишдан бош тортмоқдалар».

Америка сиёсий арбоблари, Совет Иттифоқининг Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларига нисбатан юргизаётган сиёсати шу районда «тинчликка хавф туғдирмоқда», деб айтмоқдалар. Файсал Америка сиёсий арбобларининг бу гапларини «ҳақиқатга тўғри келмайдиган гаплар» деган.

Японияда ер қимирлаш

ТОКИО, 20 октябрь. (ТАСС). Киодо Цусин агентлигининг билдиришига қараганда, кеча Хонсю оролининг шарқи-шимолий қисмида-Акита, Мяги ва Аомори префектураларида ер қимирлаганлиги сезилган.

Акита префектурасида темир йўл кўприклари шикаст еган; Токио-Аомори магистралида темир йўл алоқаси тўхтаб қолган.



Суратда: Чирчиқ шаҳрининг Ленин кўчасида қурилган янги уй-жой бинолари.
А. Палехов фотоси.

Ўзбекистон композиторларининг янги асарлари

Республикамиз композиторлари янги музика асарларини яратиш устида ишламоқдалар.

Композитор Мутал Бурҳонов Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Бой ила хизматчи» асари асосида яратилган операсининг ариялари устида ишламоқда. Ф. Зокиров ва Б. Гиенко «Тонгда» деган тарихий-революцион темада балет асари ёзмоқдалар.

Композитор Г. Қодиров шоир Ҳамид Олимжоннинг «Зайнаб ва Омон» поэмаси асосида балет ёзмоқда. Балет келаси йилда тамошабинларга кўрсатилади. Композиторлардан Г. А. Мушел хитой халқ эртаги асосида «Дин-ниннинг туфлиси» деган балетини ёзиб тугатиш арафасида турипти. Бу балет шу йил тамошабинларга тақдим этилади.

Сўнгги йилларда миллий музика, вокаль, соло куйлари, сюита, симфония ҳамда бошқа асарлар яратилди. Композиторлардан А. Мирзаев, Х. Раҳимов, Ғ. Қодиров ва бошқаларнинг янги асарларини халқимиз севиб, завқ блан тингламоқдалар. А. Муҳамедов ва Х. Раҳимовлар ёш драматург Тамкиннинг «Сингиллар қиссаси» пьесасига музика ёзмоқдалар.

Республика халқ артисти композитор Т. Жалилов ва Р. Степанов драматург Б. Раҳмоновнинг «Сурмахон» асари, Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган сан'ат арбоби А. Козловский ҳинд ҳаётига оид «Сирли қалам» балети, композитор С. Юдаков шоир Т. Тўла ше'ри асосида «Шарқ маш'али» кантатасини ёзиб, халқимизга совға қиладилар. Узбекистон ССР халқ артисти Ю. Ражабий 200 дан ортиқ халқ куйлари тўпламини нашрга тайёрламоқда.

Композиторларимиздан СССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати профессор М. Ашрафий, Сталин мукофоти лауреатлари Т. Содиқов, С. Юдаков, шунингдек М. Левиев ўртоқлар турли актуал темаларда янги музика асарлари устида ишламоқдалар.

М. АБРОРОВ.

Амалий сан'атнинг кекса усталари

Шу йил ноябрь ойида кекса ганч ўймакори Усмон Икромовнинг туғилганига 80 йил, ижодий фаолиятига 50 йил тўлади.

У. Икромов ўзининг узоқйиллик ижодий фаолиятида республиканинг йирик қурилишларида актив қатнашиб, биноларни ажойиб усталик блан безади. Муқимий номли музикали драма, Алишер Навоий номли Узбек Давлат опера ва балет театрларининг ва бошқа бирқанча биноларининг безатилишида ана шу кекса ўймакорнинг ижодий ҳиссаси бор. Икромов ўз ижодий фаолияти даврида кўпгина шогирдлар етиштирди.

Ноябрь ойида яна бир кекса ўймакор Мақсуд Қосимовнинг ҳам туғилганига 50 йил, ижодий фаолиятига 30 йил тўлади. Бу кекса ёғоч ўймакори, халқ устаси рангбаранг стол, қутича ва бошқа уй жиҳозларига моҳирлик блан нақш солиши туфайли республикамизда машҳурдир.

Қосимов ҳозир Тошкент бадиий билим юртида самарали ишлаб, ўз тажрибаларини ёшларга қунт блан ўргатаётир.

Сан'ат усталарининг юбилейини ўтказиш ва ижодий виставкаларини ташкил этиш учун республика халқ рассоми Раҳимов, О. Татевосян, Л. Абдуллаев ва сан'атшунос О. Морозовалардан иборат махсус комиссия тузилди.

О. АПУХТИН.

Отиш бўйича республика мусобақалари

Яқинда Тошкент шаҳрида республикамизнинг энг кучли мерганларининг 7 кун давом этган мусобақалари тамом бўлди. Бу мусобақаларда «ОДО», «Динамо», «Спартак» ва республика ДОСААФ жамиятининг спорт командалари қатнашдилар.

50 метрлик масофага кичик калибрли милтиқдан отишда «Динамо» жамиятининг спортчиси П. Попов 200 имкониятдан 200 очкога эга бўлиб, биринчи ўринни ва республика чемпиони номини олди. Иккинчи ўринни М. Дюжин ва учинчи ўринни А. Воронин («Динамо») лар олдилар.

Кичик калибрли пистолетдан айланма мишеньга отишда эса И. Чаплигин («ОДО») 600 имкониятдан 498 очкога эга бўлиб, республика чемпиони номини олди.

Кичик калибрли милтиқдан 50 ва 100 метрга ётиб отишда В. Пархомин (ДОСААФ) республикада янги рекорд қўйди. Тошкентли спортчи Б. Пиловицкий иккинчи, спартакчи А. Воронин учинчи ўринни олдилар.

Пистолетдан отишда В. Величковский (ДОСААФ республика чемпиони бўлди.

Пистолет-револьвердан айлана мишеньга отишда И. Тарасов («ОДО») энг яхши кўрсаткичга эришди. У 600 имкониятдан 548 очко олди. Отишнинг бу тури бўйича ўтказилган мусобақада «Динамо» жамиятининг вакили П. Попов иккинчи, И. Чаплигин («ОДО») учинчи ўринни эгалладилар.

Республикамизнинг отучи спортчилари ҳаракатдаги нишонга отиш бўйича биринчи марта ўзаро мусобақалашдилар. Лекин бу мусобақада биронта спортчи 1-нчи ёки 2-нчи разряд нормасини бажараолмади.

Отиш мусобақаларида «ОДО» командаси биринчи, ДОСААФ командаси иккинчи ва «Динамо» командаси учинчи ўринни олишга муваффақ бўлди.

Отиш мусобақалари давомида 24 спортчи биринчи разряд нормасини, 56 спортчи иккинчи разряд нормасини бажарди. Мусобақада голиб чиққан командалар дипломлар блан мукофотландилар.

МОСКВА ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ ЯСНОВ ЛОНДОНГА КЕЛДИ

ЛОНДОН, 20 октябрь. (ТАСС). Меҳнаткашлар депутатлари Москва шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси М. А. Яснов ва унинг ҳамроҳлари — Москва шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари С. М. Бутусов ҳамда Москва шаҳар меҳнаткашлар депутатлари Фрунзе район Совети ижроия комитетининг раиси А. П. Макаров Лондон лорд мэри Сеймур Говардниг ва Лондон графлиги кенгаши раиси Норман Причардниг таклифи блан бугун Лондонга келдилар.

Лондон аэродромида делегацияни СССРнинг Англиядаги ишлар вакили Н. Д. Белохвостиков, Лондон лорд мэри Сеймур Говард: муниципал кенгашининг олий чиновниклари, Англия ташқи ишлар министрлигининг вакиллари, жамоатчилик ва матбуот вакиллари кутиб олдилар.

Меҳмонларни лорд мэр Сеймур Говард табриклади. Яснов лордмэрга Лондонни келиб кўришга таклиф қилганлиги учун ташаккур билдирди ва Англия пойтахтининг аҳолисига москвалиларнинг саломини топширди.

МОСКВА СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ РАИСИ М. А. ЯСНОВНИНГ ЛОНДОНДА БУЛИШИГА ДОИР

ЛОНДОН, 21 октябрь. (ТАСС). Москва Совети ижроия комитетининг ҳозирги вақтда Лондонда бўлган раиси М. А. Яснов кеча Лондон муниципал кенгашининг мажлисида ҳозир бўлди. М. А. Ясновни ва унинг ҳамроҳларини Лондон лорд-мэри сэр Сеймур Говард табриклади. «Мен, — деди у, — бизнинг меҳмонларимиз шу йил июль ойида менинг Москвага қилган сафаримга жавобан буерга келганликларини хурсандчилик блан билдираман. Ҳозир орамизда ўтирган Яснов жаноблари ва унинг шериклари ўша вақтда мени гоят хурсандчилик блан кутиб олган эдилар. Бу визит мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона алоқаларни ва яхши ниятни кучайтиришга ёрдам берди. Мен ишонаманки, дўстларимизнинг бугунги визити дўстлигимизни янада кўпроқ мустаҳкамлайди. Биз, дўстларимиз Лондонда бўлган вақтларини хурсандчилик блан ўтказадилар ўз юртларига Лондон тўғрисида, шунингдек инглиз халқининг рус халқи блан тотув ва дўст бўлиб яшаш истаги тўғрисида яхши эсдаликлар блан жўнайдилар, деб умид қиламиз».

БИРМАЛИ ЖУРНАЛИСТЛАР ТОШКЕНТГА КЕЛДИ

Бирма Иттифоқининг Бош Министри У Нунинг СССРга визити муносабати блан Совет Иттифоқи Телеграф Агентлиги (ТАСС) бирмали журналистлар группасини СССРга таклиф қилди.

21 октябрьда бирмали журналистлар Тошкентга келдилар. Группа составида «Нью-Таймс оф Бирма» газетасининг бош редактори У Пе Тин, «Нейшн» газетасининг бош редактори У Ло Ион, «Рангун Дейли» газетасининг бош редактори У Ю Маунг, «Хантавади» газетасининг бош редактори У Сеин, «Нью Лайт оф Бирма» газетаси бош редакторининг ўринбосари У Тауинг Ньюн бор.

Аэродромда меҳмонларни ТАСС, Узбекистон Телеграф Агентлиги ва республика газеталарининг вакиллари кутиб олдилар. (УзТАГ).

ЯПОНИЯ ПАРЛАМЕНТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ПХЕНЬЯНДА БУЛИШИ

ПХЕНЬЯН, 21 октябрь. (ТАСС). Корея марказий телеграф агентлиги билдиради: КХДР Олий халқ мажлиси раиси Ли Еннинг таклифига биноан, 18 — 20 октябрьда Садао Фуруя бошчилигидаги япон парламент делегацияси Пхеньянда бўлди.

20 октябрьда Япония парламент делегациясини КХДР министрлар кабинетининг раиси Ким Ир Сен ва КХДР Олий халқ мажлиси президиумининг раиси Ким Ду Бон қабул қилдилар. Суҳбат вақтида Корея блан Япония ўртасида тинчлик ва дипломатия муносабатлари ўрнатиш масаласи юзасидан, шунингдек иккала томонни қизиқтираётган бошқа бирқанча масалалар юзасидан фикр олишинди.

Ана шу фикр олишиш натижасида бирғаликда ахборот э'лон қилинди. Бу ахборотда, жумладан, ҳар иккала давлат Корея блан Япония ўртасида нормал дипломатия муносабатлари, савдо ва маданий алоқалар ўрнатиш учун бор кучларини сарфлашлари керак, дейилади.

Бирғаликда чиқарилган ахборотни КХДР Олий халқ мажлиси раисининг ўринбосари Ким Ин Гю ва КХДРга келган япон парлемент делегациясининг бошлиги Садао Фуруя имзоладилар.

Хитойда кооператив ҳаракати янада кучаймоқда

ПЕКИН, 20 октябрь. (ТАСС). Хитой Коммунистик партияси томонидан Хитой қишлоқларида кооперацияни янада ривожлантириш юзасидан белгиланган тадбирлар кенг деҳқонлар оммаси ўртасида қизғин кутиб олинди. Газеталарда мамлакатнинг турли томонларидан олинган ва Хитойда кооператив ҳаракатининг янада авж олаётганлигини кўрсатадиган хабарлар э'лон қилинмоқда.

«Жэньминьжибао» газетасининг хабар қилишича, Аньхуэй вилоятида ҳозирги вақтда 24300 тадан кўпроқ янги қишлоқ хўжалик ишлабчиқариш кооперативлари ташкил этилаётир. Кўп деҳқонлар мавжуд кооперативларга а'зо бўлиб кирмоқдалар.

Хэбэй вилоятида кооператив ҳаракати анча юксалди. «Бэйцзинжибао» газетасининг хабар қилишича, бу вилоятда янгидан ташкил этилган кооперативларга октябрьнинг бошига қадар 1 миллион 370 минг деҳқон хўжаликлари а'зо бўлиб кирган. Сўнгги вақт ичида илгари ташкил этилган кооперативларга 550 мингдан ортиқ янги а'золар кирган.

Ҳозирги вақтда Ҳэнань, Ҳэйлунцзян, Гирин, Ляонин, Шаньси вилоятларида ва бошқа вилоятларда ҳам янги кооперативлар ташкил этилмоқда.

БЕЛГРАД ОЗОД ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ ЎНБИР ЙИЛЛИГИ

БЕЛГРАД, 20 октябрь. (ТАСС). Бугун Белград ўзининг озод қилинганлигига ўнбир йил тўлган кунни нишонламоқда. Белградни озод қилиш учун олиб борилган жангларда ҳалок бўлган югослав ва совет жангчилари қабристонига бугун эрталаб соат 10 да шаҳардаги турли ташкилотларнинг вакиллари гулчамбарлар қўйиш учун тўпландилар. Ҳалок бўлган жангчиларнинг қабрларига Югославия Халқ армияси номидан, Белград райони Халқ комитети номидан, Югославия Коммунистлар союзи Белград шаҳар комитети номидан ва бошқа ташкилотлар номидан гулчамбарлар қўйилди.

Белград аҳолиси, собиқ партизанлар, ҳарбий хизматчилар, студентлар ва мактабларнинг ўқувчилари ўз халоскорларининг хотирасини ҳурматламоқ учун бутун кун бўйи тўда-тўда бўлиб қабристонга келиб турдилар. Уларнинг кўплари гулдасталар олиб келиб, қабрлар устига қўйдилар. Совет жангчиси ҳайкалининг этагига ўнлаб гулдасталар қўйилди.

СОВЕТ КЕМАЛАРИ АНГЛИЯДАН ҚАЙТИБ КЕЛДИ

Метрополиянинг бош ҳарбий-денгиз базаси Портсмутга дўстона визит блан борган Болтиқ флоти ҳарбий кемалари отряди 20 октябрь кундуз соат 12 да Англиядан Ватанига қайтиб келди.

Болтиқ флоти қўмондони адмирал А. Г. Головко байроғи остидаги «Свердлов» крейсери кемалар турадиган жойга биринчи бўлиб йўл олди. Унинг кетидан кильватер колоннасида «Александр Суворов» крейсери ва «Сметливий», «Смотряший», «Совершенний», «Способний» эскадрон миноносларидан келдилар.

Денгиз базасининг кемаларидан флагман кемасига «эсон-омон келишингиз блан табриклаймиз» деб сигнал берилди. Кутиб олиш салютлари гумбурлади. Флагман кемасидан бунга жавобан салют берилди.

Болтиқ флотининг қўмондони адмирал Головко «Свердлов» крейсерида турибтасий составни Ватанга эсон-омон етиб келганлиги блан қутлайди ва четэл сафарида қатнашганларга а'ло даражада хизмат қилганликлари учун ташаккур э'лон қилади.

Ҳарбий-денгизчилар қўмондоннинг сўзларини кучли «ура» садолари блан кутиб оладилар.

Совет денгизчиларини кутиб олишга келган меҳнаткашларнинг кўпсонли вакиллари кемаларга чиқадилар. Улар матросларга, старшиналарга ва офицерларга гулдасталар тақдим қиладилар. (ТАСС).

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 22/X да **Қутлуғ қон**, 23/X да кундуз **Қутлуғ қон**, кечқурун **Оғриқ тишлар**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 22/X да **Пиковая дама**, 23/X да кундуз **Боқчасарой фонтани**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Бугун 3 бўлимда **цирк тамошалари. Йиртқич ҳайвонлар аттракционининг сўнгги кунлари.** Ўргатучи—**Иван Рубан.** Тамоша кеч соат 8 да бошланади. Якшанба куни **3 марта** тамоша кўрсатилади. Тамошалар кундуз соат 1, 4 ва кеч 8 да бошланади.

КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА» (кундуз ва кечқурун), НАВОИЙ номли (кундуз соат 2 дан), «ИСКРА» (кундуз соат 12 дан), «ЕШ ГВАРДИЯ» (кундуз соат 4 дан), «УЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «УЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун) — янги бадиий фильм **Ҳаёт сабоғи.**

«РОДИНА» — кундуз соат 12 ва 4 да **Дар'ёдаги чироқлар.**

НАВОИЙ номли — эрталаб соат 10 дан кундуз 2 гача **Кўчамизнинг командаси.**

«ИСКРА» — эрталаб соат 10 ва 11 да **Чапаев.**

«ЕШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 10, кундуз 12 ва 2 да **Чук ва Гек, Бўялган тулки.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ УЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА
ТЕЗ КУНДА
ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ
О. Ёқубов асари
Чин муҳаббат
Режиссёр — **Т. Хўжаев**, рассом — Узбекистон ССР халқ рассоми **Х. Икромов**, композитор — **Н. Халилов.**

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34 **РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ** коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия гурмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 135 Маданият бўлими — 132 Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040 Қишлоқ хўжалик бўлими — 135 Саноат ва транспорт бўлими — 132. Секретариат — 34048. Э'лонлар бўлими — 38142.

Р. 09644. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № А — 1533.